

Oila va Jamiyat

№ 3 (1406)
23-YANVAR
2019-YIL

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

@oilavajamiyatgazetasi_bot

Бу – «Оила ва жамият» газетасининг Telegram ижтимоий тармоғидаги расмий боти. Бизга боғланинг. Фикрларингиз биз учун ғоят муҳим ва қадрли. Сиз билан ижодий ҳамкорликка тайёرمىз.

Жамиятдаги муаммоларга, камчилик ва нуқсонларга бефарқ бўлманг! Шахсий муаммоларингизга ечим излаётган бўлсангиз, мутасаддилар мурожаатларингизни бефарқ қолдираётган бўлса, бизга ёзинг. Матбуот орқали муаммоларингизга биргаликда ечим излаймиз.

Тахририят жамоаси.



GAP KO'P, KO'MIR OZ


Yoxud o'tinning narxi falon pul bo'lsa, ko'mirni tushda ko'ramizmi?



«BIZDA
PORA
OLINMAYDI!»

2018 йилнинг ўн ойида 1 минг 600 дан ортиқ киши автоҳалокат қурбони бўлган.

“Бу – оғир кулфат, катта йўқотиш эмасми?!” – деди Президентимиз.



ALISHER USMONOV XALQIMIZGA QADIMIY VA NODIR KITOBLAR KOLLEKSIYASINI SOVG'A QILDI

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваровнинг маълумот беришича, марказнинг маъмурий ва асосий биноларини қуриш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга ҳомийлик қилаётган таниқли ватандошимиз, россиялик тадбиркор Алишер Усмонوف Ислом цивилизацияси марказига қиймати 8 миллион долларга тенг бўлган 4923 номдаги нодир китоблар коллекциясини тухфа қилди.

– Ушбу бебаҳо коллекцияда шарқшунослик ва мусулмон оламининг Европaga таъсирига оид XIII асрдан бошлаб, то ҳозирга қадар чоп этилган лотин, инглиз, француз, немис тилидаги ноеб китоблар жамланган, – дейди Ш.Миноваров. – Мавжуд 4923 китобнинг инглиз тилидаги каталоги аynи пайтда ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Нодир китоблар орасида Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобининг ilk лотинча таржимаси бор. Шунингдек, ўта ноеб саналган “Мусулмон манбааларини таржима қилиш учун лотинча-арабча лугат” номли қўлланма ҳам мавжуд.

Беруний, Фарғоний сингари улўғ аждодларимизнинг айрим асарлари йўқолиб кетган, бизгача етиб келмаган. Аммо бу асарларнинг лотин тилидаги таржимаси сақланиб қолган. 1200-1300 йилларга тааллуқли ўша лотинча-арабча лугатлар ёрдамида биз бемалол аждодларимизнинг лотин тилидаги илмий меросини асلياتда қандай бўлганини ўрганишимиз мумкин.

Ушбу ноеб коллекция маданият ва санъат ҳомийси ҳисобланган хурматли ватандошимизнинг халқимизга бебаҳо тухфасидир.

Тахририят: Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров билан суҳбатни “Гулистон” журнали ва “Оила ва жамият” газетасининг янги сонларида ўқийшингиз мумкин.

NEGA
QOIDANI BUZAMIZ?

MADANIY MEROSIMIZ – GERMANIYA VA O'ZBEKISTONNI BOG'LAB TURGAN MUSTANKAM KO'PRIK

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи муносабати билан Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси (ЎЗЭОАВМА) бир қатор давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Берлин шаҳрида “Буюк ипак йўли мероси – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк” мавзусида халқаро илмий-маданий форуми ўтказилди. Мазкур нуфузли тadbир ҳақида ЎЗЭОАВМА бошқаруви раиси, Фирдавс Абдуҳолиқов билан суҳбатлашдик.

– Ўтган йилда Россия, Буюк Британия, Ҳиндистон, АҚШ, Франция сингари мамлакатларда шу мавзуда қатор тadbирлар ўтказилди. 2018 йилнинг 10-11 декабр кунлари пойтахтимизда ҳам юзлаб хорижий олимлар ва мутахассислар иштирокида шу мавзуда йирик анжуман ташкил этилди. Бу галги манзил эса Германия! Аввало, бу икки мамлакатни боғлаб турган ришталар ҳақида гапириб берсангиз.

– Албатта, Ўзбекистон ва Германияни бир неча минг қақиримлик масофа ажратиб турса-да, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ асрларга бориб тақалади. Ўзаро муносабатларда маданий-гуманитар алоқалар алоҳида ўрин тутди. Бундан 25 йил муқаддам мамлакатларимиз ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона, очиқ ва ошқора ташқи сиёсат самараси ўлароқ, Германия билан муносабатларимиз янада мустақкамланмоқда.

Икки ўлкада ўтказилаётган тadbирларда мамлакатларимизнинг ижодий жамоалари, маданият ва санъат арбоблари фаол иштирок этмоқда. Жумладан, германиялик санъаткорлар Самарқандда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Жорий йилда улар Ўзбекистонда илк бор ўтказилган Халқаро мақом санъати анжуманида ҳам муносиб иштирок этишди.

Мамлакатимизда немис шоир ва ёзувчиларининг асарларига ҳар доим қизиқиш катта бўлган. 1913 йилдаёқ машҳур «Ойна» журналича ўзбек тилида немис халқ эртаклари, Гёте, Гейне сингари буюк немис шоирларининг асарлари чоп этилган. Бугун ҳам немис классик адиблари асарлари ўзбек китобхонлари томонидан севиб ўқилади. Германияда ҳам ўзбек халқининг маданий меросига ҳамisha қизиқиш катта бўлиб келган. “Ўзбекистон ма-

даний мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси доирасида олиб борилган изланишларимиз натижасида икки мамлакат мутахассислари ҳамкорлигида “Ўзбекистон маданий мероси Германия тўпламларида” китоб-альбоми юзага келди. Худди шу мавзуда ҳужжатли фильм ҳам суратга олинди.



Биз Президентимиз ташрифи арафасида ўтказилган медиа-форум доирасида мазкур китоб-альбом тақдироти ҳам ўтказдик.

– Мазкур альбомнинг мазмун-моҳияти, унинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Мазкур нашр шу туркумда чоп этилаётган китоб-альбомларнинг ўн биринчиси ҳисобланади.

Бу китобнинг энг эътиборли томони унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сўзбоши ёзилганидир. Муҳтарам Юртбошимиз унда таъкидлаганларидек, “Ўзбекистонда нашр қилинган, икки мамлакатнинг санъатшунос олимлари ва тарихчилари, фоторассомлари

ва журналистларининг машаққатли меҳнати эвазига дунёга келган бу ажойиб китоб халқларимизнинг ўзаро ҳурмат-эҳтироми, мустақкам дўстлиги, бир-бирининг тарихи ва маданиятига бўлган самимий қизиқишининг амалий ифодасидир”.

Мазкур жилд Берлин Давлат кутубхонаси, Берлин Ислом санъати музейи, Берлин этнология музейи, Штутгартдаги Линден номли музей, Гамбург санъат ва ҳунар музейи, Лейпциг, Дрезден ва Хернхут этнология музейлари ҳамда Любек шаҳри (Ганзей) этнология тўпламини қамраб олувчи Саксония Давлат этнография коллекциясидаги осори атиқаларни ўз ичига олади. Хусусий коллекциялар фахрий сенатор Манфред Бумиллерга (Бамберг) тегишли бўлган Ислом даври обидалари тўпламини ташкил қилади.

– Мазкур китоб турли интернет

экспонатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Германияда сақланаётган, Ўзбекистонга тегишли ҳар бир коллекция ўзига хос ва бетакрордир. Улар орасида Самарқанддаги Шоҳи-Зинда меъморий мажмуаси ҳамда Бухородаги Баёнқулохон мақбарасидан келтирилган қосим парчалари, Х асрга мансуб, Афросиёб харобаларидан топишган сопол идишлар, Сурхондарё вилояти ҳудудидан (Чағонийён) топишган археологик топишмалар, Бухоро амрлиги даврига оид қашталар, тикилган кийим-кечаклар, меҳнат қуроллари, зардўзлик ва уй-рўзгор буюмлари, от анжомлари, Хива хонлигида ясалган тақинчоқларни мисол келтириш мумкин.

Германияда сақланаётган Ўзбекистонга оид нодир қўлёзмалар ҳам тадқиқотчилар учун жуда катта хазина бўла олади. Бу ерда Ҳайдар Хоразмийнинг уйғур ёзувидаги “Махзанул-асрор” достони, буюк олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Қўрагоний” жадвали, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисонут-тайр”, “Маҳбуб-ул-қулуб”, “Хамсатул-мутаҳаййирин” сингари асарлари, Хусайн Бойқаро девони шулар жумласидандир.

– Бу галги медиа-форум дастуридан яна қандай тadbирлар ўрин олди?

– “Буюк ипак йўли мероси – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк” мавзусида халқаро илмий-маданий форуми доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” туркумидан чоп этилган китоб-альбомлар кўргазмаси ўтказилди.

Шунингдек, Европа жамоатчилиги эътиборига Ўзбекистонга оид қадимий қўлёзмалар – “Катта Лангар Қўрьони”, “Хусайн Бойқаро девони”, “Темур тузуклари”, “Равзатус-сафо”, “Меъронома” сингари ноёб қўлёзмалар, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи “Зафарнома” китобидан олинган миниатюраларнинг факсимиле нусхалари кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Форум нихоҳида “Ўзбекистон – Буюк Ипак йўлининг юраги” деб номланган тантанали қабул маросими ўтказилди. Унда 150 нафардан ортиқ иштирокчилар ўзбек миллий таомларидан, ўзбек санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, кечада “Палов – ўзбек таомлари бренди” видеоролигининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Рустам ЖАББОРОВ
суҳбатлашди

O'ZBEKISTONDA ENG KO'P TO'Y O'TKAZILADIGAN OYNI BILASIZMI?..

Маълумотларга кўра, ФХДЁ органларида 2018 йилда энг кўп никоҳ қайд этилган вақт октябр ойига тўғри келди. Ваҳоланки, йил давомида 311,4 мингта никоҳ қайд этилган бўлса, унинг 44,6 мингтаси шу ойда кузатилди.

Никоҳ тузиш борасида Сирдарё вилоятида 2017 йилга

нисбатан ўсиши 12,2 фоизни, Жиззах вилоятида 6,9 фоизни, Тошкент вилоятида 5,9 фоизни ташкил этиб, пешқадамлик қилди.

Шу тариқа 2018 йилда ҳар минг аҳолига никоҳ тузиш коэффициенти 9,4 промиллени ташкил этди.

Қайд этилган никоҳлар сони бўйича Самарқанд вилояти энг юқори 37,5 мингтани, Фарғона вилояти 35,4 мингтани ва Қашқадарё вилояти 31,6 мингтани ташкил этган.



MUQADDAS QO'RG'ON DARZ KETMASIN



Гулсара ҚУРБОНБОВА,
Хоразм вилоят ҳокими
ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси
раиси

Яқинда Хоразм вилоятидаги нотинч оилалар ва уларнинг муаммоларини ўрганиш ва яраштириш, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш, муаммоларини аниқлаш ва жойида ҳал этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказилди. Сайёр қабулда шахар ва туманлардан муаммоли, нотинч, ажрим ёқасига келиб қолган 193 оила иштирок этди. Ушбу оилалар вакиллари билан алоҳида суҳбатлашдик.

Манбаларда қайд этилишича, дунё бўйича Ўзбекистонда никоҳдан даражаси баланд, ажримлар эса энг паст кўрсаткичда экан. Бу шубҳасиз, оила масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиши самарасидир. Конституциямизнинг 14-бобида оила жамиятнинг асосий бўлини эканлиги ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Оила кодекси орқали оила манфаатлари янада кенг ифодаланган ва ҳимояланган.

Оилани муқаддас деб ҳисоблаш бизга аجدдоларимиздан мерос. Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби улғу алломалар асарларида ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-онанинг, оиланинг ўрни тўғрисида ибратли фикрлар берилган. XX аср бошларида яшаб ўтган маърифатпарвар зиёлилар баркамол авлодни тарбиялашнинг ягона чораси — оила асосларини тўғри қуриш эканини, оилани мустақамлашмасдан жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлашган.

Бугун ҳам давлатимиз, халқимиз оилалар мустақамлигини таъминлашдан манфаатдор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони нафақат хотин-қизларнинг, балки оиланинг ҳам жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Эндиликда ушбу тарихий фармон асосида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият

ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустақамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида жойларда низоли вазиятлар, шу жумладан, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш сабабларини, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш мақсадида, ҳудудларда аёллар ижтимоий мослашув марказлари ташкил қилинди. Ушбу марказларга мурожаат қилган аёлларнинг муаммолари ҳам ижобий ечим топмоқда.

Оилалар мустақамлигини таъминлаш масаласи хотин-қизлар қўмитасининг доимий диққат мар-

Биз бундай ҳолатларга дуч келганимизда кўпни кўрган отахону онахонларимиз, диний уламоларимиз кўмагига таянпмиз. Муқаддас динимизда "Оила бузилса, арш титрайди" дейилиши бежиз эмаслигини, эр-хотин бир-бирини қўллаб-қувватлаши, тушуниши зарурлиги, ортиқча ҳою ҳавасларга берилишнинг оқибати яхши эмаслиги тушунтирилмоқда.

Айрим ота-оналар фарзандларининг моддий таъминоти тўғрисида ортиқча ғамхўрлик кўрсатган ҳолда, уларнинг маънавиятига, тарбиясига эътибор қаратишни унутиб қўйишган. Оқибатда айрим ёшлар масъулиятсиз, ўзидан ўзгани ўйламайдиган бўлиб қолишган. Бундай вазиятларда биз ёшлар билан психологлар, диний уламолар, кўпни кўрган отахону онахонлар иштирокида суҳбатлашпмиз. Турли ҳаётий мисоллар ёрдамида оиланинг қадри, оила бузилиши қандай оқибатларга олиб келишини тушунтиряпмиз.



Тушунтиришларимиз бесамар кетмади. 70 оила муросага келтирилди.

казида бўлиб келмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, нодавлат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда аниқ ва тизимли чоралар кўрилмоқда. Нотинч оилалар, жиноятчиликка мойил фуқаролар билан индивидуал мулоқотлар олиб борилди. Уларнинг муаммолари ўрганилди. Ижтимоий-ҳуқуқий манфаатлари қўллаб-қувватланди. Бандлик масалалари ҳал қилинди.

Таъкидлаш жоизки, оилаларнинг бузилиши жамиятнинг қаттиқ ташвишга солиб келмоқда. Биз бу муаммони ҳал қилиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Ҳар бир ажрим ҳолати, оилада юзага келган нотинчлик сабаблари таҳлил қилинмоқда.

Бу жараёнда ёшлардан йигит ва қизларда оилада яшашнинг аҳамиятини тушунтириш керак деган фикрга келдик. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида оиланинг аҳамияти, эрта ва қариндошлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш, миллий анъана ва қадриятларимизни қадрлаш мавзусларида давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.

Айрим оила бекаларининг мол-парастликка берилгани, оиланинг иқтисодий имконияти билан ҳисоблашмасдан қайсидир бадавлат таниши каби қимматбаҳо кийим ёки тақинчоқлар олишга ҳавасмандлиги оқибатида оилаларга дарз кетмоқда.

Қолаверса, ҳаммамизга маълумки, оилаларда нотинчлик юзага келишининг олдини олиш мақсадида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар давлат томонидан моддий қўллаб-қувватланмоқда, бошланғич тўлови қоплаб берилган уй-жойлар билан таъминланмоқда. Уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда.

Қабул давомида дастлаб видеофильм намойиш этилди. Ушбу видеофильмда оиланинг дарз кетиши, аввало, болалар тақдирига салбий таъсир кўрсатиши акс этган. Изланишлари туфайли юқори натижаларга эришган ўғил ўз муваффақияти билан ота-онасини хурсанд қилиш учун келганида, жанжал устидан чиқади. Ота-она ажрашади. Ўғил қувончини ичига ютади. Она билан кетган сингил болалар уйдан қўним топади. Сингилсини хурсанд қилиш истагидаги ака жиноятга қўл уради. Видеофильмни ҳамма кўзда ёш билан томоша қилди. Олтига оила вакиллари шу заҳоти ярашиш ниятида эканини билдирди.

Дарҳақиқат, оила ажрашса, ота-она ўз йўлини топиб кетиши мумкин. Бироқ, болаларга ҳеч қачон яхши бўлмайди. Бола ҳар қанча моддий жиҳатдан таъминланмасин, у ўзини бахтли ҳис қилмайди. Ҳеч қим фарзанд учун ота-она ўрнини босолмайди. Таҳлил қилганимизда, аксарият етим болалар саломатлигида турли нуқсонлар борлигини, руҳан эзилганлигини, ҳаётга

қизиқиши пастлигини, аламзадалигини кўрдик. Тарбиядаги нуқсонлар уларни жиноятга мойил қилиб қўймоқда. Ҳар қандай аёл ёки эр, ажралишни ҳаёлига келтиришидан олдин фарзанди олдидаги масъулияти тўғрисида ҳам ўйлаши мақсадга мувофиқдир.

Сайёр қабул жараёнида оилалар билан алоҳида хоналарда суҳбатлашдик, уларнинг муаммоларини ўргандик, биргаликда таҳлил қилдик. Ҳар қандай муаммо вақти-соати билан ечим топишини, бироқ фарзандларини ўз қўли билан бахтсизлик ботқоғига ботирмаслик кераклигини тушунтирдик. Бу тушунтиришларимиз ҳам бесамар кетмади. 70 оила муросага келтирилди. Энг муҳими, 84 нафар фарзанд етимликдан сақлаб қолинди, улар энди яна ота-онаси бағрида яшаб, бахтли ҳаёт кечириш имконига эга бўлдилар. Ота-оналарга фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишлари лозимлиги тушунтирилди.

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили Хивадаги болалар шахарчаси бўлди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда уларнинг ота-оналарига қисқа меҳнатли фильм намойиш қилинди. Ота-оналар ва яқин қариндошлар билан яккама-якка суҳбат ўтказилди.

Ушбу жараёнда ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурчлари тўғрисида сўз борди. Гарчи, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган бўлса-да, бу боланинг ўқисик кўнглига малҳам бўлолмаслиги тушунтирилди. Болалар ота-онаси бўла туриб, уни бу ерга ташлаб кетганидан қийналиши, ота-онам мендан воз кечди деб ҳисоблаши ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни катталиги, ота-она меҳрининг беқиёслиги ўқтирилди. Суҳбатдан кейин икки оила фарзандларини Меҳрибонлик уйдан олиб кетишга аҳд қилди. Вилоят суди раиси уларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилишини билдирди. Уй-жой йўқлиги туфайли фарзандини олиб кетишга имкони бўлмаган ота-оналар уй-жой билан таъминлаш учун рўйхатга олинди.

Суҳбатдан кейин ишчи гуруҳ Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг яшаш шароитлари билан танишиб чикди.

Мақсадимиз битта — оила номли муқаддас кўрган дарз кетмасин, унда камол топаётган фарзандлар тирик етим бўлиб қолмасин. Ота-она арзи-маган сабабини деб боласининг юзидан кулгуни юлиб олмасин. Қадимда боболаримиз, момоларимиз болам бахтли бўлсин, мендан яхши яшасин деб ҳаёт қийинчиликлари матонат билан енгиб ўтишган. Бугун турмушимиз кундан кунга обод бўлмоқда, давлат ўз фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Иқтисодий ва маиший шароитлар яхшиланмоқда. Бундай вазиятда тўқлиқка шўхлик қилиш, фақат ўзини ўйлаб иш қуриш, ота-онасининг обрўси, фарзанднинг эртанги тақдир ҳақида ўйлашмасдан арзимаган ҳаёт қийинчиликларини деб ажралишга қарор қилиш яхшиликка олиб келмайди. Мурғак қалблар ота-онага интиқ бўлиб яшашини, меҳрга зор бўлишини, келгусидаги тақдирини бир лаҳза бўлса-да унутмаслик керак. Эртага афсус ва на-домат чекмаслик учун фарзандларимиздан, яқинларимиздан меҳримизни аямайлик. Ҳар бир ўғил-қиз ўз уйда ота-онаси бағрида камолга етишни истаиди. Бунни ёдда тутаёлик.

KUN MAVZUSI

Қиш ҳам яримлаб қолди. Бироқ халқимизда қишнинг бир куни қолса ҳам — қўрқ, деган нақл бор. Қолаверса, қачонгача об-ҳаво маълумоти тингилб яшаймиз. Кўпнинг дуоси — кўл, дейишади. Миллионлаб юртдошларимиз Аллоҳга ўтиниби, ишқилиб совуқ бўлмасин-да, ишқилиб қор ёғмасин-да, дея дуо қилишади. Шу боис, мана қиш яримлаптики, қор йўқ. Демак, яна ёзда қурғоқчилик бўлади. Яна жабрини ўзимиз торта-миз. Қишлоқларда яшайётган ҳамюртларимизнинг кўпчилиги ўтин ва кўмир муаммосидан азият чекаётган бир пайтда, масаланинг бу томони ҳеч кимни қайғуга солмаса ҳам керак.

Қишнинг кировли кунларидан эсон-омон ўтиб олишнинг ўзи бўлмайди. Кўпчилик оилаларда ҳайҳотдек ҳовлидаги қўша-қўша иморатнинг атиги биттагина хонасини иситиш ҳам катта муаммага айланади бу фаслда. Ўша биргина хонадан ҳам овқатланиш, ҳам ётоқхона, ҳам ювиниш учун фойдаланилса, болаларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси шамоллашдан азият чекса... Гуриллатиб ўт ёқиб уйни иситай десанг, кўмир савилнинг нархи осмонда. Устига-устак қўлида пули бўла туриб, ўтин-кўмир излаб юрганлар қанча...

Айрим вилоятларда соҳа мутасаддилари: “Унибуни баҳона қилиб турсак ҳадемай баҳорга етиб оламиз”, қабилида бу ташвишу муаммоларга кўз юмиб қўя қолаётгани ҳам бор гап.

ҚИШ ЎЧОҒИ ТОР...

Халқимиз орасида: “Қиш ўчоғи тор, тур, уйинга бор”, деган ҳазиломуз нақл юриши ҳам бежиз эмас. Биргина иситилган хонанинг икки чеккасида икки одам қурр-қурр йўталиб, тўшак тортиб ётган бўлса-ю, шундай шароитда яшайётган одамнинг уйига меҳмон сиғадими?! Оиласида кўпчилик яшайдиган хонадонларнинг бўз йигитлари эса иситилган уйда тамадди қилгач, музлаткичданда муздек хонага чиқиб, музлаб ётган кўрпада тонг оттириши

ҳам сир эмас. “Бир қалам ўт ёқиб олгин, дейин десам кўмир баҳорга етмай қолши мумкин”, дейди оиланинг катталари ноилоҳ...

Совуқда қўллари қизариб кунда кунора ўтин арралаётган эркаклар, изиллаган изгирида ҳовлида кир юваётган аёллар, бурнини торта-торта қувлашиб юрган болакайларни кўрганнгизда: “Қишлоқнинг бир кунда қишлашнинг ўзи ҳам том маънода қаҳрамонлик экан”, деб юборишингиз ҳеч гап эмас!

ГАЗ БАЛЛОНИ НЕГА ПОРТЛАДИ?

Ҳозирда кўпчилик уйни иситиш мақсадида қўлбола сандаллардан фойдаланишмоқда. Олдинлари махсус сандал учун жой тайёрланиб, узоқ вақтга етадиган тараша чўғидан фойдаланилган. Ҳозирда электр энергияси билан ишлатиладиган ток печларини хонтахта тагига қўйиб, сандал қилиб олишяпти. Аммо бу қанчалик тўғри йўл? Айнан мана шундай ҳолатлар сабаб ҳам ёнгинлар содир бўлаётгани ҳаммага маълум. Табиий газ йўқ аҳолининг кўпчилиги газ баллонлардан фойдаланса, уларнинг техник созлиги ҳақида унчалик қайғуришмайди. Натижада эса кўнгилсиз ҳолатлар юз бермоқда.

Мисол учун, Самарқанд вилояти Пайарик тумани “Ҳужабод” маҳалласидаги хонадонларнинг бирида иккита газ баллони портлагани анча шов-шув бўлди. Бунни қарангки, айнан ўша воқеага ўзим гувоҳ бўлдим. Биринчи газ баллон портлаши билан бутун маҳалла аҳли ёрдамга югуриб келишди. Газ баллонининг биттаси эшик ёнидаги газ печига уланган бўлиб, очиб



ёпиладиган қисмида носозлик туфайли газ тўпланиб ёнгин юзага келган. Ўша хонада икки ёшли бола ухлаб ётган. Эр-хотин болани ўраб олишиб маҳкамланган деразани бузиб чиқишган. Бу пайтда эшик олди олов билан қопланган эди. Ёрдамга келган йигит ёнгинни ёриб кириб иккинчи газ баллонни олиб ҳовлига улоқтирди. Натижада иккинчиси 30 метр юқорига кўтарилиб ҳовлида портлади. Иккита ёнгин ўчирувчи гуруҳ ёнгинни бартараф этишга муваффақ бўлди. Суриштирувга кўра, маҳалланинг ярмида табиий газ бор. Аммо аҳолининг қолган қисми газ баллонлардан фойдаланади.

ГАП КО'Р,

yoxud o'tinning narxi falon pul bo'lsa,



АРЗОНЛАШТИРИЛГАН КЎМИР БОРЛИГИДАН АҲОЛИ ХАБАРДОРМИ?

Самарқанд вилоятидаги туманларда ҳам газ ва кўмир билан боғлиқ муаммолар учраб турибди. Қонунчилигимизга мувофиқ, газ бўлмайдиган ҳудудларда аҳоли кўмир билан узлуксиз равишда таъминланади, дейилган.

Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 15 октябрдаги фармойишига асосан 1 декабр қадар вилоят аҳолисига ажратилган кўмирни тўлиқ етказиб бериш белгиланган. Бир тонна кўмир аҳоли учун 273 минг сўм, брикет эса 375 минг сўм қийматда. Хўш, вилоятда аҳоли бугун кўмир билан тўлиқ таъминланганми?

Мисол учун, Булунгур тумани оилалик. Туманда 4200 хонадонга табиий газ қувурлар орқали қиради. “Ўзтрансгаз”нинг Самарқанд вилояти филиалининг Булунгурдаги 2-участкаси маълумотига кўра, 26 560 хонадон суюлтирилган газ билан ўз вақтида таъминланмоқда. Аммо “ўз вақтида”, деганда газ таъминоти корхонаси ўзларининг нуқтаи назарини билдирган, албатта. Чунки ушбу ташилот аҳолига 45 кунда суюлтирилган газ етказиб беришни меъёр сифатида белгиланган. Аслида фуқаро битта кичик хонани 24 соат давомида илиқ ҳароратда ушлаб туриш учун суюлтирилган газдан фойдаланса, маиший газ баллони 6 кунда бўшайди. Қолган 39 кунда одамлар нима қилиши керак? Газ таъминоти идоралари мутасаддилари эса суюлтирилган газ фақат овқат пишириш ва чой қайнатиш учун, деб таъкидлаб келишади. Шундай экан, демак, маиший газ баллони табиий газнинг муқобили бўлолмайди! Иситиш эса барибир аҳолининг ўзи ҳал қилиши лозим бўлган муаммо сифатида қолмоқда. Шу боис

ҳам фуқароларга кўмир етказиб беришнинг долзарблиги ортаётир.

Хуллас, ҳақиқий аҳволни билиш учун маҳаллаларда яшовчи аҳоли арзонлаштирилган нархда кўмир олганми ёки йўқми, уларнинг бундан хабари бормикан, деган саволларга жавоб изладик.

— Арзонлаштирилган нархда маҳаллада кўмир тарқатилишидан беҳабарман, — дейди Булунгур тумани “Мингчинор” маҳалласида яшовчи Зокир Синдоров. — Яхшиямки, вақтида моторли арра сотиб олган эканман. Қиш келди дегунча кўпчилик ўтин майдалашга қақира бошлади. Хизмат ҳақиға ўтин келтириб, уйни иссиқ сақлаб турибман. Ўтин йўқ вақтида кўпчилик, баъзан ўзим ҳам бир қоп кўмирни 12 минг сўмга сотиб оляпман. Тахминан 10-12 кило чиқади. Кўмирнинг ўзини ҳам ёқиб бўлмайди. Бугунги кунда бир машина ўтин 1,5 миллион сўмга сотилапти.

Тумандаги “Бешкуви” маҳалласида 3700 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ушбу маҳалла аҳолиси учун бу йил 46 тонна кўмир ажратилиши белгиланган. Айни вақтда шундан 36 тоннаси олинган, холос. Аҳоли жон бошига 200 килограммдан ҳисобланган. Ажаблаларли томони шундаки, аҳоли имтиёзли нархда кўмир берилишидан хабардор қилинмаган. Устига-устак арзонлаштирилган кўмир сифатсиз, ярмидан кўпи кукундан иборат. Имкони борлар ёқилги килосини ўртача минг сўмдан сотиб олишайётган экан. Аксига олиб чиқроқ ҳам тез-тез ўчаётганмиш. Халқимизда бу хусусида янгича мақол пайдо бўлди: “Қишда чироқ ўчмасмиш, ўчмаса қиш қишмасмиш”. Аммо

бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор экан.

Электр энергияси хусусида туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Икром Муродовнинг маълумот беришича, аҳоли уйни иситиш мақсадида электр иситкичлардан ёппасига фойдаланаётгани боис катта миқдорда ток сарфланиши натижасида трансформаторлар ишдан чиқаётган экан. Натижада тинимсиз авария ҳолатлари юз бермоқда. Таъмирлашга вақт сарфланиб, электр энергиясида узилиш ҳолатлари бўлаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, айнан кўмир танқислиги ва сифатсизлиги, ҳатто электр таъминотида ҳам таъсир ўтказиб, катта зарар келтирмоқда. Тумандаги аҳолига кўмир тарқатиладиган омбор мудирининг фикри эса умуман бошқача.

— Аҳолига белгиланган миқдордаги кўмирни тўлиқ етказиб берганмиш, — дейди омбор мудир С.Қаюмов. — Барча маҳалла лимит бўйича кўмирини олиб бўлган. Кўмир сифати ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Сиз кўриб турган кукунлар аслида брикет ишлаб чиқариш учун хомашё. Барча маҳалла раиси кўмир сифатиға эътирозим йўқ қабилида ёзма равишда билдирги берган. Мана, ҳаммаси қўлимда туйибди. (Бу ҳудди ўқитувчиларнинг ўз хоҳишим билан пахта теримиға чиқаман, деган аризасига ўхшаб кетмаяптими, деб ўйлаб қўйдим. Н.Ю.)

Лекин, аҳолига берилган кўмирнинг сифатсизлиги рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бунни барча бирдек тасдиқлайди. Статистик маълумот бўйича туманда 2900 тонна кўмир ўрнига бугунча 1521 тонна олинган.

KO'MIR OZ

ko'mirni tushda ko'ramizmi?



КЎМИР КУКУНИДАН ТАППИ ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

— Охирги марта маҳаллада арзон нархда 2017 йили кўмир сотилган, — дейди "Хўжаобод" маҳалласида яшовчи Ж.Эргашев, — Шундан сўнг кўмир тарқатилмади. Ушанда ҳам тарқатилган кўмининг ярмидан кўпи туپроқдан иборат эди. Ўтган йили бир кўшнимиз 4 тоннача олиб келган кўминини элаганда ундан бир тонна ҳам кўмир чиқмади. Ушанда маҳалладагиларнинг кўпчилиги кукундан «кўмир таппи» қилиб уйини иситишда фойдаланишганди.

Қишнинг ўртасига ҳам келиб қолдик. Аммо ҳануз кўмир илинжида ўтирган маҳалладошлар йўқ эмас.

Ис газидан заҳарланишлар кўпайиб бораётгани аянчлидир. Аммо барча муаммолар бир-бирига занжирдек чамбарчас боғлиқлиги кундек равшан.

Яқинда Каттақўрғон тумани "Зарқўрғон" маҳалласида яшаган тўрт кишидан иборат оила ис газидан заҳарланиб вафот этди. Воқеа гувоҳларининг айтишича, оила бошлиғи сукултирилган газда ишлайдиган, Эронда ишлаб чиқарилган иситиш қурилмаси сотиб олган ва уни ёқиб қўйиб ухлаган. Натижада ўзи, хотини, 15 ёшли қизи ва 13 ёшли ўғли вафот этган. 20 ёшли ўғли алоҳида хонада ётгани учун тирик қолган.

Каттақўрғондаги Эронда

ишлаб чиқарилган печкалар билан савдо қилувчи дўкон ёлиб қўйилган. Аммо бу масалага ечим бўла олармикан?

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг хабарига кўра, 7 та кўмир тарқатиш базалари мавжуд бўлиб, улар Булунгур, Жомбой, Пастдаргом, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи ва Самарқанд шаҳрида жойлашган. Аммо иш жараёнида ҳамон оқсоқлик кўзга ташланаётгани кўриниб турибди.

Сабр қилсак қишнинг ҳам ярми ўтди қўйди. Кунлар исиб кетса кўмир ҳам, ўтин ҳам керак бўлмай қолади. Қора қозонни бир маҳал амаллаб қайнатиб олсак бўлгани.

ҚАРОР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШМОҚДА, БИРОҚ...

2018 йил 1 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли хонадонларида иситиш тизими ва ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Ушбу қарор билан аҳоли хонадонларида иситиш тизими ва ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини ўрганиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир тақлифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси ташкил этилди. Аҳоли турар жойларидаги иситиш қозонлари ва печаларидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя этилиш ҳолатини тизимли ўрганиш ҳамда мавжуд муаммо ва носозликларнинг бартараф этилишини таъминлаш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Маълумотларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ўтказилган

ўрганишлар корхона, ташкилот, хусусий тадбиркорлик субъектлари бўйича 10 219 та, бозорларда 651 та, умумтаълим, ўрта-махсус ва ОТМда 3703 та, ҳовли-жойларда 2 млн.га яқин, кўпқаватли уйлarda 278 648 тани ташкил этган. Тарғибот тадбирларида 476 мингдан ортиқ эслатмалар, баннерлар тайёрланган, 120 мингга яқин суҳбат ва семинарлар ўтказилган.

Ўтган йили 3540 та ўқув ва 396 та назорат машқи ўтказилган. Газдан фойдаланиш талабларига жавоб бермайдиган 713 та объект фаолияти вақтинчалик, 188 та объект фаолияти эса бутунлай тўхтатилган. Республика аҳолисининг маиший газ баллонлари билан таъминланганлик даражаси 135 фоизни ташкил этиб, 2018-2019 йиллар

куз-қиш даврида 206 372 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш кўзда тутилган.

2018 йилнинг ўтган даврида аҳоли хонадонларига режага мувофиқ 325 553 тонна суюлтирилган газ етказиб берилиш режалаштирилган бўлиб, амалда 324 368 тонна етказиб берилган (99,6 фоиз). Ўтган йилга нисбатан эса 31,6 минг тонна кўп етказиб берилмоқда.

Маиший газ баллонлари 2018 йил режасига мувофиқ 650 117 дона бўлиб, амалда 642 680 дона (99 фоиз) етказиб берилган. Қолган 7437 донасини (Қорақалпоғистон Республикасига 2575 дона, Андижон вилоятига 3302 дона, Қашқадарё вилоятига 1560 дона) жорий йилнинг 1 ноябр кунигача етказиб бериш мўлжалланган.

ХУЛОСА

Қишда ноҳуш ҳолатлар, ташвиш ва муаммолар кўпайиши бор гап. Юқоридаги каби ҳолатлар авваллари ҳам содир бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай вазиятлар юзгага келмаслиги учун эса мавжуд муаммо ва носозликларни ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш бўйича қилинадиган ишларга жиддийроқ ёндашиш керакка ўхшайди.

ИС ГАЗИ ВА ЁНГИН ҚУРБОНЛАРИ

Бироқ... афсуски, бугунги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб ҳамюртларимиз орасида ис газидан заҳарланиш ҳамда нобоп иситиш воситалари туфайли ёнгинлар чиқиши натижасида азият чекаётган, ҳалок бўлаётганлар кўпчилигини ташкил этмоқда.

• 2018 йил 31 октябрда Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Дилхуш кўчасида яшовчи оиланинг 4 нафар фарзанди ис газидан заҳарланиб вафот этиши ҳеч кимни безатибор қолдирмади.

• Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани "Мароканд" маҳалласидаги хонадонларнинг бирида иситиш печи қувуридан сизиб чиққан табиий газ хонада тўпланиб, ҳаво билан аралашган. Хонадон эгаси хонага кириб электр чирогини ёққан вақтда чакнаш юз берган. Оқибатда у куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилган.

• Фарғона вилояти Риштон тумани "Пандигон" маҳалласидаги хонадонларнинг бирида ҳам газ чакнаши ҳолати юз берган. Хонада шундоқ ҳам иситиш печидан сизиб чиққан табиий газ ҳаво билан аралашган бўлган.

Шу вақт электр таъминотида узиллиш юз берган. Таъминот қайта тикланган вақтда эса портлаш юз берган. Оқибатда хонадон соҳибаси ва унинг 5 ойлик қизчаси куйиш жароҳатини олиб, касалхонага ётқизилган.

• 2018 йил 4 декабр кунин Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида яшовчи Гулмира Нафасова уйда кўлбола усулда ясалган иситиш печига ўтин ёқиб, уч ойлик қизини беланчакка ётқизиб, печ олдида назоратсиз қолдириши оқибатида ёнгин содир бўлган. Қўрилган чоралар натижасида ёнгин уй эгалари томонидан ўчирилган. Ёнгин оқибатида уч ойлик қизалоқ куйиш жароҳатлари олиб, касалхонага ётқизилган.

• Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани "Янги шаҳар" маҳалласида жойлашган "Турон" меҳмонхонасида электр чирогини ўчиб қайта ёниши оқибатида меҳмонхонанинг ертўласида турган газ баллонидан сизиб чиқиб, тўпланиб қолган газ ва ҳаво аралашмасидан чакнаш содир бўлган. Натижада меҳмонхонанинг биринчи қаватидаги эшик ва деразаларнинг ойнаси синиб зарар кўрган. Жароҳат олганлар йўқ.

• Жиззах вилоятининг Зомин туманида яшовчи Мансур Шарипов ва турмуш ўртоғи Барно Шариповалар уйда иситиш печининг мўриси носозлиги сабабли ундан сизиб чиққан кўмир исидан заҳарланиб, касалхонага ётқизилган.

• Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида яшовчи Ан-

вар Салимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) уйда иситиш печига ўтин ёқиб, дизель ёқилғисини сепган вақтда аланга ҳосил бўлиб, куйиш жароҳатлари билан касалхонага ётқизилган.

• 2018 йил 6 декабр кунин Сирдарё вилоятининг Ховос туманида яшовчи уй бекаси уйда иситиш печидан сизиб чиққан табиий газ исидан заҳарланиб, касалхонага ётқизилган.

• Жиззах шаҳрида 3 декабрь кунин "Қалия" маҳалласида яшовчи фуқаро уйда табиий газни чала ёниши оқибатида, газ исидан заҳарланиб, касалхонага ётқизилган. Шу кунин Фориш туманида яшовчи оиладаги эр-хотин ва ўғли уйда иситиш печидаги табиий газни чала ёниши оқибатида заҳарланиб, касалхонага ётқизилган.

• Тошкентнинг Миробод туманида 16 октябр кунин Файзобод 9-тор кўчасида яшовчи, пенсионер уйи ертўласидаги иситиш қозонига ўрнатилган мўридан чиққан ис газидан ўзи ва унинг 2 нафар нариса заҳарланган.

• Жиззах вилояти Пахтакор тумани «Боғишамол» маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларнинг бирида 7 декабр иситиш печидаги табиий газнинг чала ёниши оқибатида ис газидан беш киши заҳарланиб шифохонага ётқизилган.

• 2018 йил 4 ноябр кунин Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ижарада яшовчи 4 нафар қиз уйнинг ошхонасидаги газ плитасини ёқиб ухлаб қолиши натижада ис газидан заҳарланган.

• Ўтган йили Тошкент шаҳрида 48 соат ичида етти киши ис газидан вафот этган.

• 2018 йил Самарқанд вилоятида 12 нафар, Сурхондарё вилоятида 7 нафар, Тошкент вилоятида 6 нафар фуқаро газдан нотўғри фойдаланиш натижасида юзга келган бахтсиз ҳодисалардан вафот этган. Жумладан, 2018 йил газ ва ҳаво аралашмаси билан боғлиқ чакнашлар 28 маротаба, маиший газ баллонлари носозлиги сабаб 11 маротаба, ис газини содир бўлиши натижасида 30 киши заҳарланган.

• Газ асбоб-ускуналаридан нотўғри фойдаланиш, газ-ҳаво аралашмаси билан боғлиқ 21 та ҳолатда 51 киши жароҳатланган ва 15 киши вафот этган.

• Маиший газ баллонлар билан боғлиқ 10 та ҳолатда 10 киши жабрланган, 7 киши вафот этган. Ис газини боғлиқ 32 ҳолатда 53 нафар одам жароҳатланган, 35 киши вафот этган. Бу борада энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида бўлиб, ис газидан 11 киши вафот этган.

Нилуфар ЮНУСОВА

Bolaligimda xonadonimizning to'rida oynavand kitob javoni bo'lardi. Kitoblar uchun maxsus ishlangan bu jihozning raflari kitob o'lchamida bo'lib, mehmonxonamizga o'zgacha salobat baxsh etib turar, biz uchun bu dunyoda undan chiroyli, undan hashamatli jihoz yo'q edi.

Mana shu sehirli javon atrofida o'ralashib yurib, kitobga oshno bo'ldim. O'qigan kitoblarni qo'lmdan yetaklab oliy o'quv yurtiga boshladi. Nufuzli korxonalarda, mas'ul vazifalarida ishlashga musharraf etdi. Katta-kichik davralarda so'z aytmoq saodatini berdi. Mutolaa zavqi haqida to'lib-toshib gapirganimda jism-u jonimga yoniq ruh baxsh etib turdi. Olim-u fuzalolar, ziyoli insonlar suhbatiga qo'shdi, ozmi-ko'pmi ularning e'tirofiga muyassar qildi. Qurgan mo'jazzina oilamda kitobxonlik muhiti qaror topdi. Mutolaa tufayli maslakdosh, fikrdosh farzandlarga ona bo'lish baxtini tuydim. Maoshini ulfatbozlikka emas, kitoblar xaridiga sarflaydigan o'g'lonim bilan ko'nglim to'ldi.

Ana endi ota uyimdan tashib keltirgan umrim davomida yiqqan kitoblarni oddiy kitob raflariga sig'may qoldi. Yuragimda, uyimga-yu ko'nglimga fayz bag'ishlaydigan zamonaviy ko'rkam bir kitob javoni yasatish istagi tug'ildi. Negaki, ko'p yillardan beri kitob javonini mebel do'konlaridan surishtiruvlarim besamar ketayotgandi. Do'konlar har safar menga xonani bir tomonini egallaydigan raflari oynali mebellarni tavsiya qilisharkan: "Kitobni shunga ham qo'ysa bo'laveradi-da",

KITOB JAVONI

YOXUD USTANING HAYRATI



deyishardi balanddimog'lik bilan. Menga ma'qul kelmagach, ensalari qotib: "Bo'lmasa, bunisini oling", – deyishardi raflari bir xil kattalikdagi og'zi ochiq oddiy shkaflarni ko'rsatishib. Ularga kitob javoni qanday bo'lishini qancha tushuntirmay, buni aqlariga sig'dirisholmas, boshimdan oyog'imgacha razm solib kuzatib qolaverishardi.

Xullas, dam olish kunlarining birida chiroyli kitob javoniga buyurtma berish uchun uyga usta chaqirib, javonga mo'ljallangan joyini ko'rsatdik. Unga javonning raflari turli o'lchovlarda; pastki

raflar katta kitoblar o'lchovida, yuqori raflar o'rtacha va eng yuqoridagisi kichik hajmdagi kitoblar o'lchovida bo'lishi lozimligini tushuntirdik.

Usta talablarimizni daftarga yozib olar ekan, nimagadir bizga ajablanib qarab qo'yardi. Oxiri sekingina savol berdi:

– Agar sir bo'lmasa, bu javonga qanaqa kitoblar qo'yasizlar?

– Badiiy, diniy-ma'rifiy, ilmiy-ommabop kitoblar, lug'atlar, darsliklar, jurnallar, deya sanay ketdim men. Shunda usta biroz o'ng'aysizlanib: – Aybga buyurmaysiz, yigirma besh yildan buyon mebelsozlik bilan shug'ullanaman. Lekin birinchi marta kitob

javoniga buyurtma olayman, dedi.

Men bundan taajjublanmadim. Ustaga jihozning raflari pishiq yog'ochdan ishlanishi zurur, deya ta'kidlaganimda, uning hayrati yana ming chandon oshib, ko'zlari katta-katta bo'lib ketdi-da:

– Iya, kitoblar olib-qo'yiladigan bo'ladi? – deb so'radi.

– Ha, kitoblar o'qish uchunda. Ularning xar biriga kunda yoki kunora murojaat qilib, o'midan qo'zg'ab turamiz. Shuning uchun ham rafning chetlari mustahkam materialdan ishlanishi kerak, – dedim.

Usta indamadi. Menimcha, bechora usta kitoblarni bir marta joylashtirib qo'yishadi-yu, keyin qo'l tekkizishmaydi, deb o'ylagan bo'lsa kerak-da.

U ish qurollarini yig'ishtirib, uyimizdan sal g'alatiroq kayfiyatda chiqib ketdi. Uning xayolidan balki: "Yo, bu odamlar aqlida ozgan, yo meni kallam joyidamas", – degan gap o'tgandir.

Ha, yog'och bilan ishlaydigan oddiy ustada nima ayb? Axir katta-katta o'quv dargohlarida bolalar ta'lim-tarbiyasi bilan shug'ullanadigan "ziyolilarimiz" ham qo'lga darslikdan boshqa kitob ushlaymay qo'yishgani bor gap-ku. Kitob javonlari haqida gapirmasa ham bo'ladi. Oynavand javonlarga billur idishlarni qalashtirib qo'yishni zeb bilganlar, mehmonxonalarga kitob javonlarini qo'yishni or, deb bilishadi. U yer, bu yerdan kelib qolgan bitta-yarimta kitoblar ham omborxonalarda chang bosib yotadi.

Yaxshiyamki, Yurtning oqil rahbari kitob targ'iboti masalasini davlat siyosati darajasiga ko'tarib qo'ydi. Agar kitobxonlik e'tiborsiz ahvolga tashlab qo'yilsa, kelajakda nima bo'lardi, bilmadim...

Salima XOLDOROVA, NKMK muzeyi rahbari

YO IBRAT BO'LASIZ YOKI IBRAT OLASIZ

Zamonaviy rivoyat

Bir kishi bir umr ichkilik, qimor, giyohvandlikka ruju qo'yib, giyohvashu hayotda yashadi. Bemaqsad umrguzaronligi faqat yeyish-ichish, o'yin-kulgu, ko'ngilxushlik bilan o'tadiganlarni yo itday sharaftsiz o'lim, yoki hibs kutadi. Bu kishi umrbod qamoqqa mahkum bo'libdi.

Ortidan ikki o'g'li qolibdi. Katta o'g'li otasining ayni hayotida yashabdi. Ya'ni, o'yin-kulgu, ko'ngilxushlik, ichkilik, qimor, giyohvandlik... Xullas, otaning oyoq izlarini bosaverib oxir oqibat o'zini qamoqxonada, otasiga qo'shni kamerada ko'ribdi.

Ikkinchi o'g'li maktabda a'lo baholarga o'qishga harakat qilibdi. Universitetni tamomlab, o'z tijoratini yo'lga qo'yib, kompaniyasini tashkil etibdi. Otasi va akasiga ruhan o'xshamagan yigit, taniqli ishbilamon, badavlat odamga aylanibdi.

Bu oilaning yon qo'shnisi bo'lgan jurnalist ayol bir otadan tug'ilgan, bir uyda yashab, bir xil muhitda o'sib-ulg'aygan ikki

o'g'ilning ikki xil hayotidan hayratlanib, ular haqida maqola yozishga ahd qilibdi. Avval qamoqxonaga borib, katta o'g'li bilan uchrashish uchun izn olibdi. O'zini tanishtirib, gunoh yo'lida sargardon yoshlar va ularning taqdirida oilasining ta'siri xususida turkum maqolalar tayyorlash niyatida ekanini aytibdi. Katta o'g'il jurnalistning "Nega bunday ahvolga tushding?" degan savoliga:

– Otamni bilasiz-ku! Shunday otaning o'g'ilidan yana nima kutasiz?! – deya javob beribdi.

Katta kompaniyaning bosh direktori – ikkinchi o'g'ilni izlab borib, qabuliga kiribdi. Jurnalist unga ham o'zini tanishtirib, nima maqsadda kelganini aytibdi.

– Oilangizni taniyman, qanday tarbiyalanganingiz, qanaqa muhitda o'sganingizni yaxshi bilaman. Shunday oilada tug'ilib, o'sgan bola qanday qilib shunday darajaga erisha oldingiz? – degan savoliga, kompaniya rahbarining:

– Otamni bilasiz-ku! Shunday otaning o'g'ilidan yana nima kutasiz?! – degan javobi jurnalistning hayotda olgan eng katta sabog'i bo'libdi.

Jurnalist maqolasini shunday so'zlar bilan tugatibdi:

"Yo ibrat bo'lasiz yoki ibrat olasiz. O'zingiz tanlang!.."



BOLALIK - INSON XOTIRASINING OLTIN SANDIG'I



Dilshod RAJAB, bolalar shoiri

Bolalik davri inson xotirasining oltin sandig'idir. Bolalik yillarining har bir fasli o'zining zavq-u hayratlari, mo'jizaviy manzaralari, o'yin-kulgulari bilan kelardi. Qish - qorlarday oppoq harir libos kiygan malika. Qishki o'yinlarning zavqi o'zgacha edi: yaxmalak otish, qo'lbola yasalgan chanada uchish, qorbo'ron o'yini, qorbobo-yu qorqizlar yasash... O'sha paytlarda qor ham juda mo'l-ko'l

yog'ar, biz tizza bo'yi qor kechib yurardik. Yana bir mashg'ulot - issiqqina sandalda o'tirib, kitob o'qish, aka-ukalar bilan she'r va topishmoq aytishuvlar ham nihoyatda zavqli va yoqimli edi.

Umuman, men bolalikdan kitobga katta mehr qo'ygandim. Dastlab o'zbek xalq ertaklarini sevib o'qidim. Voqealar, ertak qahramonlarining sarguzashti xuddi ko'z oldimda jonli - hayotiy tarzda gavdalanar, shunday tasavvur qilardim. Ota-onam maktabda o'qituvchi edilar. Uyimizdagi mo'jaz kutubxonada ko'plab kitoblari javonga terib qo'yilgan bo'lardi. Ikki akam va opamga ergashib, men ham bir-bir bu kitoblarni o'qiy boshladim. Keyin maktab va mahalla kutubxonasidan ham kitoblari olib, muntazam o'qib chiqardim. Uyimizda shunday ma'naviy iqlim, adabiy muhit bor ediki, kitob o'qish xuddi kundalik ehtiyojday, suv-havo zarurati kabi tabiiy hol edi. Oilada 7 nafar farzand, hammamiz maktabni bitirgan yiliyiq institutga kirib, oliy ma'lumotli bo'ldik. Ikki akam va men maktabni "Oltin medal" bilan bitirdik.

Oltinchi sinfdaligimdan she'rlar mashq qila boshladim. Ayniqsa, bolalar shoirilari Tursunboy Adashboyev va Anvar Obidjon she'rlarini sevib o'qir, ko'pchiligini yod olgandim. T.Adashboyevning "Sumalak" she'ridan g'oyat ta'sirlanib, hovlida bo'g'otdagi sumalaklarga qarab

turganlarim esimda:

Boychechaklar nish urib,

To turguncha o'rnidan.

Bahor qishni tamovga,

Osib qo'ydi burnidan.


Shu kabi she'rlar meni adabiyot olamiga boshladi. Qo'limga qalam tutdi. Dastlab narsa-voqealarga sinchkov qarab-kuzatib, ular haqida, ularni bir nimaga qiyoslab, o'xshatib, qofiyali mashqlar yozdim. Adabiyotni yaxshi tushunadigan akam va maktabdagi adabiyot fani ustozimdan ilk she'riyat saboqlarini oldim.

Ik she'rlarimdan biri "Qorqiz sovg'aga ketdi" bo'lib, shu nomda ilk kitobim (hammualliflikda) chiqdi. Bu she'r qordan qorqiz yasab, ertasiga qorqiz yo'qligini (erib ketganini) ko'rib, "Qorqiz bizga sovg'a olib kelgani ketgan", deya quvongan bolalar haqida edi.

She'r mashq qila boshlagach, bolalar bilan ko'p o'ynamay, nuqul kitob o'qir, she'rlar yod olardim. Maktabni bitirish paytida turli shoirilarimizning mingdan ziyod she'rlarini yod bilardim, aksariyati hozir ham yodimda.

Men adabiyotga ishtiyoqmand bolalarga ko'p-ko'p she'r yod olishlarini maslahat bergan bo'lardim. Hatto boshqa sohaga qiziqsa ham, she'r yod olish kishining xotirasini kuchaytiradi, nutqini ravon qiladi.

Bolalik paytida quyidagi kitoblarni o'qishni maslahat beraman:



O'QISH SHART BO'LGAN 10 KITOB

- 📖 Xudoyberdi To'xtaboyev "Sariq devni minib"
- 📖 Oqiljon Husan "Tog'da o'sgan bola"
- 📖 Abdulla Qahhor "O't-mishdan ertaklar"
- 📖 O'tkir Hoshimov "Dunyo-ning ishlari"
- 📖 Chingiz Aytmatov "Oq kema"
- 📖 Nodar Dumbadze qis-salari
- 📖 Artur Konan Doyl "Sher-lok Xolmsning sarguzashtlari"
- 📖 Jyul Vern "O'n besh yoshli kapitan"
- 📖 Daniel Defo "Robinson-ning sarguzashtlari"
- 📖 Janni Rodari ertaklari

QORQIZGA OLQISH

Kim aytar: u parimas?!
Undan chiroy arimas!
Har yil bir yosh o'ssa ham,
Qorqiz sira qarimas!

Chunki dili pok uning,
Orzulari oq uning.
Nomi qordan bo'lsa ham,
Mehri ko'p qaynoq uning.

Xuddi go'zal oq qayin.
Boqishlari bir mayin.
Yasharib, ochilganday
Qorqizimiz yil sayin!

Shunday, qishda ham yashnab,
Sarg'aymasin, so'lmasin.
Yoshlik ketmasin tashlab,
Sira kampir bo'lmasin!

QOR ALYORI

Osmon qomi eladi,
Yerni oqqa beladi.
Xuddi yumshoq par to'shak,
Dumalaging keladi.

Qor yog'ar-ey, qor yog'ar,
To'lib dala-qir yog'ar.
Boshimizdan sochqiday,
Oq marvarid dur yog'ar.

Xo'p yaxmalak otamiz,
Goho qorga botamiz,
Qizib jo'shar qon tanda,
Kim deydi sovqotamiz?

Qish yaxshi-yo, qish yaxshi,
Oppoq qor - kumush yaxshi.
Bir-birovga qor otib,
Qiyqirib, quvish yaxshi.

Qorto'plarni otamiz,
Rosa kulib qotamiz.
Pisand qilmay ayozni,
Qish zavqini totamiz.

Qor yog'ar-ey, zo'r yog'ar,
Rizq-u ro'z mo'l-ko'l yog'ar.
Xo'p quvnatib dillarni,
Zavqimizga jo'r yog'ar.

QISH TASHBEHLARI

Qor kiyingan archalar,
Oq qalpoqqa o'xshaydi.
Yaltiroq shox-shabbalar,
Jez taroqqa o'xshaydi.

Muz qotgan ariqchalar,
Zar belboqqa o'xshaydi.
Sumalaklar - qandillar,
Muz chiroqqa o'xshaydi.

Qor ustida qarg'alar,
Qora dog'ga o'xshaydi.
Yo oq qog'o'zga tomgan
Rang-siyohga o'xshaydi.

Fe'li sovuq izg'irin,
Ko'p chatoqqa o'xshaydi.
Quvib solar hammani,
Urto'qmoqqa o'xshaydi.

URTO'QMOQQA

O'ringdan tez tur, to'qmoq,
Qani ketdik yur, to'qmoq.
Ba'zi bir nodonlarni
Bitta-bitta ur, to'qmoq.

Manov juda ishyoqmas,
Na u yon-bu yon boqmas.
Yotaverar erinib,
Yoz, kuz, bahor, qish yoqmas.

Ana, qara, bunisi,
Naq telefon jinnisi.
Bir qaramas chaqirsa,
Oyisi-yu buvisi.

Bu bola loqayd yurar,
Go'yo doim o'y surar.
Dunyoni suv bossa ham,
Beparvo qarab turar.

Bu qizcha sal arazchi,
Ham yoqmas soch tarashi.
Ana, yana kim bilan
Talashmoqda, qara-chi?!

Aytaversam, yana bor,
Vaqtini o'tkazmay bekor.
Hammasin jazalaymiz,
(Faqat sekin uraqol!)

Axir ko'nglim bo'shroq-da,
Bari bola pok, sodda.
Ular endi intilib,
Yursinlar faqat olg'a!

Sen kuzatib tur, to'qmoq!

SHAMOL

Darxtlarni silkitib,
Tegmaganga tegib xit,
Kezar shamol g'uv-g'uv.

Bandin uzgan yaproqlar -
Uchqur-chopqir toychoqlar
O'ynab yurar quv-quv.

Yum-yumaloq soqqaday
Dum-dumaloq olmalar
Qulab tushar duv-duv.

Qo'rqib ketgan qushchalar
Sapchib ko'kka ucharlar,
Ko'tarishib qiy-chuv.

G'azablangan dev kabi
Kattakon bog' tebranib
Guvranadi guv-guv.

QARASH

Kunga boqar chindanam
Menga juda yoqadi.
U doim yorug'likka,
Yuksaklikka boqadi.

Lekin hamma ham unga
Shu ko'z bilan qaramas.
Ba'zilar bor hayotda
Fikri-zikri qorin, nafs.

Farqi yo'qdir ularga
Qay tomonga boqishin.
Ular uchun muhimi
Pistasini chaqishdir.

SAYOHATCHILAR

E, so'ramang qanday, deb,
Tunov kungi sayohat.
Chiqdi oyoq ostimas,
Bosh ustidan falokat.

Bosib kelib bir pasda
Qora bulut galasi.
Ustimizdan paqirlab
Quydi rosa jalasi.

To'rt tomon yaydoq kenglik
Soyabon yo'q aksiga.
(Qolarkansan noiloj
Duch kelsang ko'k qahriga).

Qaytdik uy-uyimizga
Shalabbo bo'lib, gap shu.
Sayohat burnimizdan
Chiqyapti...apshu, apshu!...

NECHA DARAJADA

"Qilig'ing juda sovuq",
Koyir ukasin Egam.
Hazillasib der Sodiq
"Necha daraja ekan?"

«Bizda PORA olinmaydi!»

Қадимда икки киши бир масала устида тортишиб, қозининг ҳузурига келибди. Қози муаммони эшитгач, уларга бошқа кун келишларини тайинлабди. Бу орада арзчилардан бири қозига юз тилла танга бериб, эвазига масалани ўзининг фойдасига ҳал қилишни сўрабди. Иккинчи талабгор ҳам қозининг ҳузурига келиб, унга қирқ тилла танга берибди. Қози унинг ҳам ҳадясини қабул қилибди.

Келишилган кун етиб келибди. Қозининг олдига ўзига ишонган иккала талабгор келиб, масалага ойдинлик киритишни сўрабди. Иккала томондан ҳам пора эвазига тилла тангалар олган қози нима деярини билмай чайнала бошлабди.

– Ўзингиз адолатли ҳукм чиқаринг, қози жаноблари. Юз бор, хотир бор, – дебди юз тилла берган киши.

– Қирқиб-қирқиб гапиринг, – дермиш қирқ тилла бергани.

Бу ривоят қанчалик ҳақиқатга яқинлигини билмадим, бироқ коррупция деган бало қадимда ҳам бўлган экан-да, деб ўйлаб қўйдим. Коррупция шунчалик қонқонимизга сингиб кетганки, усиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Шу сабаб ҳар бир масалани пул билан ҳал қилишга ўрганганмиз. Тезроқ ишим

лониди навбат кутиб ўтирган аёл.

– Зўр-ку, унда суюнчи пули ҳам роса мўл бўлгандир? – дедим ярим чин, ярим ҳазилга олиб.

– Қаёқда, ҳамма ёққа «Бизда суюнчи пули олинмайди», деб ёзиб қўйишибди, –

деди аёл лабини буриб.

– Ёзса ёзибди-да, барибир одамлар ўз хоҳиши билан бериб кетади-ку, – дедим янаям қизикиб.

– Одамларда инсоф қолмаган, ҳозир ҳеч ким пул бермай қўйган, – деса бўладими.

Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан. Гўёки фарзандли бўлгани учун одамлар туғруқхона ходимларига пул беришга мажбурдай.

– Кеча ўзим кўрдим, алламбало машина туғруқхона олдига турган экан. Уйига қимматбаҳо машинада кет-

дими, оддийсидами чақалоққа нима фарқи бор? Ортиқча даҳмазанинг нима кераги бор? – дедим ҳамроҳимни яна гапга тутиб.

– Ҳозир унақа машиналарни туғруқхона ҳовлисига қўйишмаяпти. Мен ҳам шунга айтаман-

да, шунча пулга машина ёллагандан кўра, ўша пулни суюнчи сифатида тарқатса бўлмайди? Суюнчи деган нарсасиз азалдан бўлган. Лекин ота-боболаримиз чақалоқни лимузинда олиб чиқмаган туғруқхонадан, – деди аёл билағонлик билан.

«Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас», деганлари шу экан-да. Бугунги кунда ҳамма жойда коррупцияга қарши курашилаяпти-ю, аммо йиллар давомида суюнчи пули, имтиҳон пули, ишга кириш пули, амалга кўтарилиш пули... балои-баттар пули одамлар онгига оддий ҳолга айланиб улгурган. Ҳатто улар бу хатти-ҳаракатини жиноят деб ҳисобламайди ҳам. Қонунчилигимизда пора берган ҳам, пора олган ҳам жиноий жавобгарликка тортилади, деб белгилаб қўйилган. Оммавий ахборот воситаларида кунда кунора пора билан ушланган бирон мансабдор шахс ёки фуқаро кўрсатилмоқда. Бу каби ташвиқот-тарғибот ишлари кимлар учун? Одамларни уйғотиш, порахўрликдан қайтариш, улар онгига демократик қарашларни шакллантириш учун эмасми, аслида?!

«Суюнчи пули олинмайди», деган ёзувни Самарқанд шаҳар 1-туғруқхонасида кўргандим. Аёл шаҳардаги 2-туғруқхонада ишлар экан. Демак, бу тадбир шаҳар бўйича олиб бориляпти. Аёлнинг айтишига қараганда, энди одамлар уларга суюнчи пули бермаётган эмиш. Демак, бу тадбир ўз самарасини кўрсата бошлабди. Ҳукуматимиз томонидан коррупцияга қарши курашилаётган бир пайтда бошқа давлат идораларига ҳам «Бизда пора олинмайди», деб ёзиб қўйилса мақсадга мувофиқ

бўлмасмикин?!

Бизда яна бир ёмон иллат бор. Бирон ташкилот ёки идорага ишимиз тушадиган бўлса, аввало, бошлигининг кимлиги, қаердан ва кимлар билан қариндошлигини суриштирамиз. Иложи бўлса, бошлиқни танийдиган «таниш» топишга ҳаркат қиламиз. Тўғри бориб, муаммони айтиш ўрнига, таниш орқали, пора эвазига муаммони тезроқ бартараф этишга уринамиз. Таниш-билишчилик, маҳаллийчилик қонқонимизга сингиб кетган. Бу муаммо фақат бизнинг миллатимизга хос. Хорижий мамлакатларга чиқиб, одамлар ҳаёти билан танишсангиз, уларда маҳаллийчилик, таниш-билишчилик умуман кузатилмайди.

Тараққиётимизга болта ураётган, мамлакатимиз ривожини секинлаштираётган ҳам аслида коррупция ва маҳаллийчиликдир. Нега хорижий давлатларга ишлаш учун кетган фуқароларимиз ватанга қайтиб келишни истамайди, биласизми? Сабаби, у ерда яшаш осон, коррупция, таниш-билиш йўқ. Қонунларига бўйсунсангиз бас. Йўл ҳаракати қоидаларидан тортиб, кундалик ҳаётда одамлар бир-бирига нисбатан муносабатда бўладиган муомала маданиятигача ҳамма бирдек амал қилади. Банклар мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатади. Ҳеч кимнинг қимматли вақти ушланмайди. Ҳамма жойда тартиб-интизом йўлга қўйилган. Биздагидек: «Ким охиригиз навбатда?» десангиз, одамлар бир-бирларига қараб елка қисийишди.

Савоб ишнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам савоб ҳисобланганидек, жиноятнинг кичиги ҳам жиноятдир. Бирок ижтимоий тармоқларда айрим кишилар: «Арзимаган пора олгани учун ҳам оммавий ахборот воситаларида айтиш керакми?», деб эътироз билдираётгани ажабланарлидир. Тўғри, кимдир 400 минг доллар пора билан ушланган бўлса, кимдир 100 доллар пора билан қўлга олинган. Аслида пулнинг кўп-камлиги эмас, унинг пора эканлиги ачинарли.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мақтовга арзирли, аммо биз ҳали коррупцияни илдири билан кўпориб ташлаганимиз йўқ. Одамлар дунёқарашини ўзгартириш, уларни соғлом фикрлашга ўргатиш, порахўрликнинг жиноят эканини тушунтириш осон иш эмас. Қисқа муддатда юқори самарага эришиш мушкул, албатта. Бироқ, бу курашда ҳамма бирдек ҳаракат қилмоғи, коррупцияга қарши ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА

oilavajamiyat@mail.ru





Эрталаб ишга, ўқишга етиб олиш учун кимдир автобусда, кимдир метро, такси ёки шахсий автомашинасида йўлга отланади. Бугун йўлларимизда нима куп – транспорт куп. Чорраҳалардаги тирбандликдан бир асабилашсангиз, нописандлик билан йўл ҳаракати қоидаларини бузадиган ҳайдовчию йўловчиларнинг хатти-ҳаракатларидан бадтар жигибийрон бўласиз.

“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, авваламбор, тарбия ва муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Биргина мисол. Каналнинг 1 миллиондан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган Калгари шаҳрида 2018 йилнинг 10 ойида автоҳалокатлар туфайли 10 нафар шахс нобуд бўлган.

Узингиз солиштириб кўринг: жами 2 ярим миллиондан зиёд автотранспорт мавжуд бўлган бизнинг юртимизда эса, шу даврда 1 минг 600 дан ортиқ киши автоҳалокат қурбони бўлган. Бу – оғир кулфат, катта йўқотиш эмасми?!

Биз йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликини кучайтирдик. Лекин шунинг ўзи билан муаммони тўлиқ ечиш мумкинми? Менимча, йўқ!

Бунинг сабаби жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада шаклланиши билан бевосита боғлиқ.

Биз жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни лозим даражада шакллантирмас эканмиз, ҳуқуқбузарликка чек қўймас эканмиз, қонунни бузиш ҳолатлари давом этаверади”, деди Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Қоида яхши билмайман...

– Мен йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмайман, – дейди Ойбек Умрзоқов исмли ҳайдовчи. – Тўғриси айтсам, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун автоматикда номигагина ўқиганман. Шунинг учун тогган пулимнинг бир қисmini жарима тўлашга сарфлайман. Киракашликни ташлай десам, тузукроқ иш йўқ. Бу ёқда болачақани боқиб керак. Нарҳнавои кўриб турибсиз: кундан-кунга кўтарилиб борапти.

Йўллардаги ноқулайликлар мажбур қилади...

– Менинг назаримда йўллардаги ноқулайликлар ҳайдовчини қоида бузишга мажбур қилади. Айрим йўл ҳаракати белгилари шундай қўйилганки, гўё атайлаб қоида бузишга ундаётганга ўхшайди, – дейди ҳайдовчи Дилшод Ҳайдаров. –

Мисол учун Ҳамид Олимжон метроси атрофидаги Мустақиллик шох кўчасига қайрилиш учун Мирзо Улуғбек туманига қарашли Статистика марказининг ёнидан 5 километр узоқликдан, қайтиб келиш керак. Шунча йўлдан қайтиш ҳар бир ҳайдовчининг асаб тизимига таъсир қилмай қолмайди. Тўғри, бу тирбандликнинг олдини олиш учун қилинган. Лекин жуда кўп ҳолатларда айнан ҳайдовчилар бурилишлар сабаб, қоида бузишга мажбур бўлишади.

Яна бир ҳайдовчи Салимжон Болтабоевнинг фикрича, Эски жува бозорига олиб борувчи Навоий кўчасидаги йўл ўртасига қўйилган темир панжараларнинг олиб ташланиши пидедаларни йўлни исталган қисмидан кесиб ўтишлари имконият яратди. Натижада ҳайдовчилар ўзлари исталган ҳолда қоида бузишлари тўғри келмоқда. Салимжон ҳам бошқа ҳайдовчилар каби темир панжараларнинг олиб ташланмаслиги тарафдори. “Нима учун шунча маблағ сарфланган иш бекор қилинди? Бу пуллар ҳаводан олинмаган эди-ку, халқнинг пули эвазига бажарилган эди шунча иш. Ҳеч нарса бўлмагандек осонгина бузиб ташлашди”, дейди у.

Ҳайдовчи Мусурмон Аҳмедовнинг фикрича, йўллардаги носозликлар, айрим йўлларнинг талабига жавоб бермаслиги кўпалаб автоҳалокатларга сабаб бўлмоқда. “Қоида бузсанг жарима тўлайсан бу – қонун. Лекин нима учун йўллардаги носозликлар туфайли юз бераётган ноҳушликларга ҳеч қим жавоб бермайди?”, дейди М.Аҳмедов.

Йўл инфратузилмасини тубдан яхшилаш зарур

Президентимиз раислигида 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, йўл инфратузилмаси сифатини тубдан яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шароит яратиш масалалари замондан анча ортда қолаётгани кескин танқид остига олинди.

Тирбандлик туфайли бемор ҳаётдан кўз юмди

Юнусобод туманида яшов-

чи Маҳбуба Йўлдошева исмли аёл йўлдаги ноқулайликлар туфайли яқинда 65 ёшга кирган онаси оламдан ўтгани ҳақида қўзлаб берди. Соат 18:00 да аёлнинг онаси оғир бетоб бўлиб қолади. “Тез ёрдам” машинасида онахонни шифохонага олиб кетишади. Афсуски, йўлдаги тирбандлик туфайли бемор шифохонага ўз вақтида етиб бормайди. Оқибатида йўлда вафот этади. Маҳбуба опа Европа давлатлари каби пойтахтнинг барча кўчаларида “Тез тиббий ёрдам” машиналари ҳаракатланиши учун махсус “Учинчи йўлакча” ташкил этилиши тарафдори.

“Энг тартибли ҳайдовчилар” рағбатлантирилса...

Бошқа бир ҳамюртимиз Соҳида Бозорова эса болалар бочаси ҳамда умумтаълим мактабларида йўл қоида сарслари кўпроқ ва қизиқарлироқ ўтилиши ҳақидаги мулоҳазаларини айтиб ўтди. Бу фан бошлангич синфдан тортиб, юқори синфларда ҳам ўтилиши зарур. Чунки қоида бузиш инсон ҳаётига хавф солишини ҳамиша эслатиб туриш шарт. Яна бир гап, дейди суҳбатдошимиз, “Кўчалардаги махсус баннер, реклама мониторларига ҳам йўл ҳаракати қоидага доир тарбиявий аҳамияти молик роликлар жойлаштирилса”. С.Бозорова севимли фильмимиз “Тўйлар муборак”даги каби юртимиздаги “Энг тартибли ҳайдовчи”лар ҳақида жамоатчилик билса, уларни рағбатлантирувчи мукофотлар жорий этилса, деган мулоҳазада.

Бозорга боришдан аввал, машинанингга жой изланг

Дарвоқе, йўлдаги муаммолар узоқ ва жуда кўп тахлил қилинадиган масала. Бу мавзуга кейинроқ яна батафсил қайтамиз. Энди эса мақоланинг иккинчи жиҳатига эътиборимизни қаратсак. Бугунги кун-

NEGA QOIDANI BUZAMIZ?

yoki avtoturargohlar nima uchun pullik?

да ҳайдовчиларга ноқулайлик туғдираётган муаммолардан яна бири бу – бозорга борган кишини автоуловига жой топиш масаласи. Пойтахт бозорлари ҳудудидagi барча автотураргоҳлар пулли. Қўйлиқ деҳқон бозорига кирaverишдаги дарвоза олдида пайдо бўлган янги автотураргоҳ эътиборимизни тортиди. Илгари бу ерга асосан Қўйлиқ улғуржи бозорига келган кишилар автомобилларини қўйишар, кириш-чиқиш бепул эди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашларича «Тошбозор-савдо» уюшмаси тизимидagi автотўхташ жойларида ундирилдиган «хизмат ҳақи» миқдори Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 16 мартдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилadиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 241-сонли қарори билан тасдиқланган.

Унга кўра пойтахтимиздаги Қўйлиқ, Эски жува, Олой бозорларидаги автотураргоҳларда енгил автомобиллар учун, 20 дақиқагача 1000, 40 дақиқагача 2000, 1 соатгача 3000, 2 соатгача 4000, 3 соатгача 5000, 4 соатгача 6000, 4 соат ва undan ортиқ вақт учун 7000 минг сўм нарх белгиланган.

Қўйлиқ саккиз юз минг сўм маблағ йиғилади

– Илгари Қўйлиқ деҳқон бозорига киришдаги бу жой бепул бўлган, – дейди чипта сотувчи Асадилло Азизов. – Икки ойча бўлди пуллик автотураргоҳга айлантирилди. Бу жой назоратсиз бўлгани учун тирбандлик кўп эди. Истаган одам келиб, машинасини хоҳласа кўндаланг, истаса тескари ўгириб қўйиб, бозорга кириб кетаверарди. Бозордан чиққан одам эса машинасини ўтказолмай хуноби ошарди. Хуллас, ҳайдовчилар ўртасида жанжал тўпалон бошланарди. Хусусий такси ҳайдовчилари бу ерни ўзларининг шахсий мулкига айлантириб олишганди. Ҳозир ҳамма навбати билан, тартиб-интизомга риоя қилган ҳолда кириб чиқишмоқда.

Назоратчи Равшан Ашурматовнинг фикрича кун давомида бу ердан 800-1 000 000 сўм (!) миқдорида пул тушуми йиғилар

экан. Ушбу маблағ Бектемир тумани Халқ банки филиалига топширилган экан.

Автотураргоҳ бепул бўлса бозорда харидор кўпаяди(ми?)

– Бозор ҳудудида 3 та автотураргоҳ бор, – дейди Қўйлиқ деҳқон бозори директорининг биринчи ўринбосари Нодир Ибрагимов. – Саккизта иш ўрни ташкил қилинган. Ҳар куни назоратчилар томонидан 3-3.5 миллионга яқин маблағ йиғилиб, банкка топширилади. Автотураргоҳлар бепул бўлса, бозорга одамлар кўпроқ келади, каби ҳақли эътирозлар ҳам учрайди. Автотураргоҳ бепул бўлса, бозор ҳудудида тартибсизлик келиб чиқади. Автотураргоҳдан тушадиган пул кимнингдир чўнтагига келиб тушмайди. Давлат бюджетини шакллантиришга ҳисса қўшади. Ундан ташқари, бозор ҳудудини асфальтлаш, тозалаш, оҳаклаш каби ишларга ҳам сарфланади.

Собир Тиркашев исмли ҳайдовчи Korzinka.uz, Макро каби супермаркетларнинг олдидаги автотураргоҳлар бепуллиги, йирик корхона ва ташкилотлар ёнида эса автотураргоҳлар йўқлигидан шикоят қилди.

– Эски жува бозори атрофидаги автотураргоҳларнинг автобус ҳамда маршруткарлар турадиган майдонлари бепул, машиналар турадиган қисми эса пуллик, – дейди Ақром исмли ҳайдовчи. Менимча, бир тарафдан пуллик бўлгани ҳам яхши. Чунки баъзи бир савдогарлар эрталаб машинасини автотураргоҳга қўйиб кечга яқин миниб кетишади. Яъни, битта жойни куни бўйи банд қилиб туришади. Пуллик бўлса, шунга қараб ҳаракатини қилади. Бир кунда бозорга минглаб одам шахсий машинасида келиб-кетди. Бошқаларни машинасига жой қолмайди.

Юртдошларимизнинг мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, демак ҳали йўл ҳаракати ҳамда автотураргоҳлар билан боғлиқ муаммоларимиз етарлики. Бунга ҳал этиш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи мутахассисларга ҳам эҳтиёж борлиги сезилиб турибди. Йўлларимиз текис ва раvon бўлса, ҳаётимиз хавфсизлиги шунча кафолатланади.

Нигора РАҲМОНОВА

Ҳақиқий поклик, ҳам моддий, ҳам маънавий покликнинг қандай бўлишини эса бизга муқаддас Ислом динимиз ўргатади. Зеро, Исломнинг ўзи поклик асосида бунёд бўлгандир. Шунинг учун биз покликни бу диннинг икки масдари — пок Парвардигоримизнинг Каломи ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг суннатларидан ўрганамиз.

Ислом дини инсондан ҳам маънавий, ҳам моддий покликни талаб қилувчи илоҳий таълимотдир. Масалан, бир буюмга, махлуққа эмас, ўзига ўхшаган бир гуноҳкор бандга эмас, балки ўзини ҳам, бутун борлиқни ҳам яратган Роббига ибодат қилиш маънавий поклик бўлса, бу ибодатни нажосат теккан аҳволда, нопок кийимда, ифлос жойда эмас, покиза жисм билан, топ-тоза либос билан, покиза жойда адо этиш моддий покликдир.

Худди шунингдек, ҳалол йўл билан топилган пулга ҳалол лўма ейиш, жисмоний эҳтиёжларни ҳалол йўл билан қондириш, бир одамга ғараз ёки бошқа нопок мақсадлар билан эмас, ҳолис, пок ният билан яхшилик қилиш, хайр-эхсон қилиш, бу ибодатларни миннат, риё каби иллатлардан пок сақлаш ҳам покликдир.

Исломнинг беш устунидан ҳар бири чинакам поклик рамзидир. Иймон — қалбни ширк ва куфрдан, шубҳадан поклашдир. Таҳорат, ғусл ва таяммум жисмни кирдан, чанг-ғубордан, нажосатдан поклашдир. Намоз — ўз-ўзини фахшу мункар ишлардан поклашдир. Рўза — қалбни маъсиятлардан, жисмни исрофдан поклашдир. Закот — мол-мулкни муҳтожларнинг ҳақидан поклашдир. Ҳаж ва умра — инсоннинг борлигини бу дунёнинг ўткинчи ташвишларидан поклашдир.

Аллоҳ таоло ўзининг бениҳоя ҳикмати билан бандаларини поклашига чақирган экан, бу покликка ҳар қандай замонда, ҳар қандай маконда риоя қилиш лозим ва лобуддир. Баданни пок тутиш ҳам, уйни тоза тутиш ҳам, табиатни, атроф-муҳитни тоза сақлаш ҳам поклик бўлганидек, ёлгон, ҳасад, ғийбат каби маънавий иллатларни, ўгрилик, рибохўрлик, порахўрлик, ичкиликбозлик, ғиёҳвандлик, одам савдоси, қотиллик, фитна-фасод каби гуноҳларни тарк қилиш ҳам покликдир.

Катта бўлсин, кичик бўлсин, ҳар қандай миқёсдаги поклик мисли кўрилмаган хайр-барака сабаб бўлганидек, нопоклик ҳам умумбашарий қиргинларга, офатларга, ўлатларга сабаб бўлади.

Жисмини, либосини, уйини

РОКЛИК

— Saodat kalitidir

Поклик, тозалик деган сўзларнинг луғавий маъноси барчамизга маълум. Улар ҳеч қандай кир, зарар ва шу каби салбий таъсирлар аралашмаган ҳолат ёки нарсани англатади. Тоза сув деганда ранги, ҳиди, таъми ўзгармаган сув тушунилса, покиза либос деганда тоза ювилган, доғ тегмаган кийим тушунилади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси моддий тозаликдир. Аммо маънавий поклик ҳам борки, бу поклик инсоннинг ички дунёсида, қалбида, руҳида бўлади. Инсоннинг асли, жавҳари, унинг жисмини, хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи масдар эса руҳдир. Демак, унинг моддий поклиги ҳам маънавий покликдан келиб чиқади. Шунинг учун поклик деганда фақат моддий ёки фақат маънавий покликни кескин ажратиб бўлмайди.

пок тутган инсон соғлом бўлади, нияти пок, меҳнати ҳалол кишининг топган-тутганига барака киради, эл-юрт ичида ҳурмати баланд бўлади, турмуши осуда, ҳаёти мазмунли ўтади.

Аҳвол аксинча бўлса, бунинг оқибати қанчалик огир бўлиши барчага маълум. Замонавий илм-фан ривожига тўғайли маълум бўлдики, касалликларнинг деярли барчаси нопоклик тўғайли тарқалар экан. Ёмон ниятли одам эса ахийри ўзининг бошини ер экан. Бугунги кунда аср вабоси деб номланган даҳшатли касаллик — ОИТС маънавий нопокликдан келиб чиққани фикримизнинг ёрқин далилидир. Аслида бундай касаллик пайдо бўлишининг ўзи инсон зоти учун шармандаликдир. Чунки коинотга парвоз қилаётган, симсиз алоқани

кашф қилиб, бутун дунёни улкан ахборот омборига, мулоқот майдонига айлантираётган инсон ўзининг тийиксиз нафсини жиловлай олмай, ўзининг аслиятига зид бўлган разолат ботқоғига ботиб, оқибатда ота-боболарининг етти ухлаб тушига кирмаган бедаво дардга чалиниб ўтирибди. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам маънавий покликнинг ҳаё, ибо, ифбат

Аллоҳ таоло бу ҳад-ҳисобсиз ер усти ва ер ости бойликларини инсон бир-бирининг кўзини ўйиб, талашиб-тортиши, талон-тарож қилиши учун бермаган, балки уни тежамкорлик билан, оқилона тасарруф қилиш, тинчлик, бунёдкорлик мақсадларида фойдаланиш учун ато этган. Буни қарангки, моддий ва маънавий покликка риоя қилмаслик бево-сита ва билвосита ана шундай хатарли, аянчли оқибатларга олиб келар экан.

каби кўринишларидан узоқлашишнинг ана шундай оқибатларга олиб келиши ҳақида ўн тўрт аср муқаддам огоҳлантирган эдилар.

Дунёдаги биринчи қотилликка ҳам айнан маънавий нопоклик — ҳасад сабаб бўлган. Минг афсуски, бу нопоклик ҳамон инсониятнинг умрига эгав бўлиб келмоқда. Бугунги кунга келиб, Ойга, Марсга сунъий йўлдош учираётган, инсон аъзоларини кўчириб ўтказётган инсон ўз қўли билан мисли кўрилмаган қудратга эга оммавий қиргин қуролни ясаб қўйиб, энди уни йўқота олмай ўтирибди.

Ўзи ўтирган шохни арралаётган жоҳил инсон табиатни пайҳон қилиб, нафақат ўзи яшаётган тупроқни, ўзи ичаётган сувни, ҳатто ўзи нафас олаётган ҳавони ҳам ифлослантириб, атроф-муҳитни экологик ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Ваҳоланки динимизда исроф тақиқланган, ҳатто дарёнинг ёқасида ўтирган одамга ҳам таҳорат қилишда сувни исроф қилмаслик буюрилган. Бўлмаса, таҳорат олишга қанча суви кетар эди? Шу озгина сув билан бутун бошли дарёнинг сув камайиб қолавермиди? Демак, бу илоҳий қўрсатмани рамзий маънода англашимиз керак экан. Аллоҳ

таоло «Шукр қилинглар, зиёда қиламан» деб марҳамат қилган. Неъматнинг шукри қандай бўлади? Фақат тилда шукр айтиш, бу неъматни бизга ким берганини эътироф қилиш биланми? Йўқ, албатта. Ҳақиқий шукрона «Енглалар, ичинглалар, лекин исроф қилманглалар» деган оятга амал қилиш билан камолига етади. Йўқолиб бораётган ҳайвонот, наботот дунёси, ичимлик суви танқислиги дунё миқёсидаги бир неча асрлик исрофнинг оқибатидир.

Бугунги кунда турли сиёсий, миллий ва ҳатто диний сабаблар рўқач қилинаётган қонли урушларнинг асл сабаби ҳам мисли кўрилмаган исрофгарчилик тўғайли камайиб бораётган қувват ва ёқилги захираларидир. Аллоҳ таоло бу ҳад-ҳисобсиз ер усти ва ер ости бойликларини инсон бир-бирининг кўзини ўйиб, талашиб-тортиши, талон-тарож қилиши учун бермаган эди, балки уни тежамкорлик билан, оқилона тасарруф қилиш, тинчлик, бунёдкорлик мақсадларида фойдаланиш учун ато этган эди. Буни қарангки, моддий ва маънавий покликка риоя қилмаслик бево-сита ва билвосита ана шундай хатарли, аянчли оқибатларга олиб келар экан. Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси сизу бизга бу ажиб дунёни яратиб берган пок Роббимиз Аллоҳ таолонинг биргина амрига — покликка риоя қилганимизнинг оқибатидир. Поклик ана шундай оламшумул аҳамиятга молик масаладир.

Албатта, бир муаммонинг сабабларини аниқлаш, унинг оқибатларини кўрсатиб бериш яхши. Аммо энг муҳими бу муаммонинг ечимларини топиш ва уни бево-сита амалга оширишдир. Шундай экан, бу борада биз мусулмонлар, буюк алломалар юрти бўлмиш жаннатмакон Ватанимиз фуқаролари нима қилиши керак? Бизнинг вазифамиз — бу борадаги ислоҳни аввало ўзимиздан, ўз оилами, маҳалламиздан бошлашдир. Бунинг учун оилада фарзандларни маънавий ва моддий тозалikka, покликка ўргатишимиз, аввало қалбни, ниятни, мақсадни пок қилиш, қолаверса, жисмини, либосини, уй-жойини, маҳалласини, юртини покиза, кўркам, озода тутиш, табиатдан, атроф-муҳитдан тежамли, оқилона фойдаланиш ва уни келажақ авлодлар учун авайлаб-асраш руҳида тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун халқимизнинг минг йиллик миллий-маънавий қадриятларидан, урф-одатларидан унумли фойдаланишимиз, ўғил-қизларимизни дину диниётли, инсофли, мустақил фикрли, ғайратли, шижоатли ва бунёдкор инсонлар қилиб тарбиялашимиз керак.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳам маънавий, ҳам моддий покласин, неъматларининг шукрини адо этишимизни, ҳузурга соғлом қалб, покиза виждон билан боришимизни насиб айласин, омин!

Раҳматуллоҳ
САЙФУДДИНОВ,
Тошкент ислом
институтини ўқитувчиси



MUAMMOLARNI BARTARAF ETING

ИЧКИ ЎЗЛИК БИЛАН ТАНИШУВ

Айтайлик, сиз ҳеч ким билан чиқиша олмайсиз. Шундай пайтда ўйлаб кўринг: балки, ички ўзлик билан тил топиша олмаётгандирсиз. Ички ўзлик бир қарасангиз тезда хафа бўлиб қолган болага айланади, бир қарасангиз, устингиздан кулиб, маслаҳат беради, баъзан қайсидир хотираларни титиб кўрқитади. Неча ёшга кирганингиздан қатъи назар, ичингизда бир гўдак ҳам яшайди. Унинг сизга муносабати ҳудди болакайлардек. Меҳр кутади, ўзини эркалатишини истаиди, бола бўлиб қувнагиси келади. Болакай бирор нарса истаса-ю, унга эриша олмаса хафа бўлиб қолади.

ЎЗЛИКНИ ТИКЛАШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Тасаввур қилинг. Сиз бир уй ертўласидан чақириқ овозини эшитдингиз, нола ёки йиги сизни ёрдамга чорлади. Сиз ўша ертўлага тушдингиз: у ерда нима бор? Бу ертўлада неча зина бор экан? Ертўлада бир болани кўрдигиз. У неча ёшда? Болакай нега бу ҳолатда? У занжирбандми, касалми, хафами? Бу бола билан гаплашинг. Унга ёрдам беринг. Унутсин, улғайсин, бахтли болага айлансин. Болалигингизни эсланг. Болалиқдаги ичингизда яшириниб қолган бу гўдакка нималар кераклигини ҳис қилинг. Калтакланган оғриқлар, ҳақоратлар, юпатувчи қўллар, шапалоқлар, кўз ёшларнинг кичкина қўлча билан артилиши... Шу сўзларнинг ўрнига меҳрли овоз билан уни юлатинг. Болага қанчалик улғайганлигингизни айтинг. Болани ёруғликка чиқаринг, уни майсазорда, полазорда югуриб кетганлигини тасаввур қилинг. Бу полазорда сиз ҳам борсиз, сиз ҳам келажақдаги ёруғ кун учун югуриб кетмоқдасиз ва боладек қувнамоқдасиз...

Ичингиздаги бу болакайни қувнашга, ўтган хафагариликлардан чиқиб кетишига ёрдам беринг. "Сен



Ҳали ҳам болалигидаги кўрқувини олиб юрган болакайни энди уни бошини силайдиган кўркмас ўзлик билан бирга эканлигини ҳис қилдингиз.

ёмонсан!" деган таҳқирлашларни унутган ва яна қувнаган болага айлантиринг. Ҳали ҳам болалигидаги кўрқувини олиб юрган болакайни энди унинг бошини силайдиган кўркмас ўзлик билан бирга эканлигини ҳис қилдингиз. Бу кўрқув хаяжонга, титрашга, хавотирга, дудукланишга ва жаҳлга айланган бўлса, бу хотираларнинг асоратидан воз кечинг. Шу бола энди кўрқмайди, унинг ёнида жудаям ва жудаям кучли ўзлик турибди денг! Бу одам сизсиз!

ЎТМИШДАГИ ХАФАГАРЧИ-ЛИКЛАРНИ КЕЧИРИШ ПСИХОЛОГ ҚАБУЛИДАН ЛАВҲА

"...Сиз айтган ўша ертўлада бир қиз йиғлаб ўтирибди. Унинг сочлари битлаган, қўллари ёрилиб кетган, йиғлайвериб "ўлкаси шишиб кетибди"..."

— Сиз онадан етим қолганмидингиз?

— Менинг онам ўлганларида биз олтига қиз ва бир ўғил қолдик. Энг кичкина синглимиз икки ёшда эди. Катта одам турмушга чиққандилар, иккинчи одам эса отамиз ўғай она олиб

келганларидан кейин 17 ёшларида турмушга чиққандилар. Ўшанда, иккинчи одам турмушга чиқаётганларида икки ёшли синглим этакларига ёпишиб бирга келин ва қув ёртасига ўтириб тўйга кетди. Мен каттароқ эдим. Сочим битлаган, ўша турмушга чиққан одам тозалардилар, қўлларимга оқ ёғ суриб ёрилган теримни ювардилар. Шунда кунимиз фақат ўғай онага қолди. Бир мушт билан овқат еб, етим деган ном билан катта бўлдим. Ҳалиям неварали бўлиб 60 ёшга кирай десам ҳам ўша бола ичимда қолган эканда-а...

— Ўша боланинг азобланган қуни ва ҳўрликларини унут олмаганингиз сизни кўкрак саратонига етаклабди десам, кўрқмайсизми?

— Йўқ, мен кўрқмайман, мен ўша қизалоқни ертўладаги ҳўрланган ҳисларидан олиб чиқаман. Болалигимда нима бўлган тақдирдаям, қал-қатта бувижон бўлдим-у, энди ички хотираларимдаги бу қизалоқни "қувнагин", "унутгин", "касалдан воз кеч" дея оламан. Ҳозиргача ўша болалигимга раҳм қилардим, ҳўрлигим келарди, энди

тушундим, бу болалигим мени меҳрга ўргатди... Бу болалигимга раҳм қўзи билан қарамайман энди, ҳўрланмаган ҳам бу қизалоқ, кучли бўлиш сабоқларини олган экан, энди тушундим..."

Психолог: Бу опа роса йиғладилар, қаддиларини кўтариб, мен бахтлиман ва албатта бу саратон ташхиси йўқолади энди деб ишондилар. Балким, бахт бу касални унуттиргандир, балким чиндан ҳам касал йўқолгандир. Ҳақиқат шуки, бу аёл бошқа шифоҳонага бормади ва қачон кўришмайлик, бахтлиман, деган иборани сўзда эмас, кайфияти билан айтарди. Мен ишондим, сиз бахтлисиз...

КЕЧИРИНГ ВА КЕЧИНГ!

Болалиқда ота-онангиздан, устозингиздан, яқинларингиздан ва дўстларингиздан нималарни кутган эдингиз? Бу ичингиздаги хотирадаги бола қиёфаси ҳозиргача нималарни кутмоқда? Ўша ҳиссиётларни болага тақдим қилинг. Энди у кучли эканлигини айтинг, меҳрга тўла ҳаёт билан нафас олаётганлигини айтинг. Ҳаммасини кечиринг ва кечинг...

Ота-онангиздан нималарни кутган эдингиз? Улардан қайси сўзларни эшитишни истардингиз? Ўша сўзларни аввало, ўзингизга, кейин фарзандларингизга ёки сиздан шу меҳрли сўзларни кутган инсонларга инъом қилинг. Ота-онангизда сизни яқсон қилган муносабат, жанжал ва тортишув бор эдими? Ўша ҳаёт саҳналарини бир кино, кечаги кун сифатида тасаввур қилинг. Ўзингизнинг ҳаётингизда ҳам бу каби ҳаёт саҳналари бўлганлигини тан олинг. Ўтмиш саҳна кўрinishларига ичувчи олами, жанжалхалк олами, оқватсиз кунларни ёки ҳақоратланган қиёфами ҳаммасини кечаги кун деб ҳисобланг. Орқага қараманг, кечиринг ва ўтмиш саҳналарига розилик эълон қилинг.

Зебинисо АҲМЕДОВА,
Психолог

Баъзан фарзандларимиз билан тўғри муносабат қилишда, шуғулланишда жиддий хатоларга йўл қўямиз. Шунақа пайтларда беихтиёр ўқитувчилар ҳаёлимизга келади. Бутун бошли синф, 40 ҳатто 50 нафар ўқувчини идора қилиш билан бирга дарс ҳам ўтишлари керак. Қўллаб муаллимлар бу ишни қойиллатиб уйдалайдилар ҳам. Ҳўш, қандай қилиб? Нега ўқитувчисига сўзсиз бўйсунган болажонимиз, бизнинг китоб ўқиш ёки дарс тайёрлаш борасидаги амримизни кескин норозилик билан қарши олади. Тажрибали ўқитувчилар ота-оналарнинг фарзандлари билан тўғри муносабатда бўлишлари учун бир қанча тавсиялар берадилар. Қуйида бу маслаҳатлар билан танишишингиз мумкин.



Bolalar bilan to'g'ri munosabatda bo'ling

Фарзандингиз сизга қулоқ солишини истасангиз овозингизни кўтарманг, аксинча, паст товушда гапиринг. Паст товушда гапирсангиз фарзандингиз сизга диққат билан қулоқ тутарди.

Фарзандингизни ўзи истамаган ишга, машғулотга мажбурлаётганингизда, норозилигини ифодалаши учун бир дақиқа вақт беринг. Бир дақиқа тўлиқ ўтгач, табассум билан унга бажариши керак бўлган вазифани яна бир бор тушунтирасиз.

Чиройли ёзиш қобилияти мунтазам такрорлаш орқали ривожлантирилмаса, йўқолиб кетади. Агар фарзандингиз ёзишни хушламаса, ҳар куни биттадан сўз ёздиринг яхши самара беради. Балки, кичкинтойингизнинг хусниҳат қобилиятини ривожлантириш учун у билан хат ёзишадиган дўст бўларсиз? Бу усул билан

фарзандингизнинг ижодкорлик, фикрлаш қобилияти ва муомала маданиятини ҳам текширишингиз мумкин.

Бизнинг синфимизда "Парта фариштаси" бор. Унинг қачон келиши номаълум, аммо партасини тоза-озода сақлаган ўқувчиларга вақти-вақти билан сирли совғалар улашиб туради. Шунинг учун ҳам синфда ўқувчиларимиз тоза-озодаликка қатъий риоя этадилар, парталарга ёзиб-чизмайдилар. Бизнинг "Парта фариштамиз" сизнинг "Хона фаришта"нгиз бўлиши мумкин. Қўллаб кўринг, ҳам болажонингизни тозалик, тартибга ўргатасиз, ҳам озодалик ишлари учун вақтингизни тежайсиз.

Боланинг танлаш ҳуқуқини ўзига қўйиб берсак, шикоят ва инжиқликларига камаяди. Шунинг учун улардан "Уми ёки буми?" деган саволга ўзлари жавоб бе-

ришларини таъминланг. Дейлик, "Нонуштада қайнатилган тухумми ёки қуймоқми? Сутми ёки бўтқами?" Ёхуд "Математикани аввал тайёрлаймизми ёки инглиз тилинми?" деган масалани боланинг ўзи ҳал қилсин. Бу билан фарзандингизнинг масъулиятни ҳис қилиш, фикрлаш ва бошқарувчилик қобилиятини ривожлантиришингиз мумкин.

Ҳар биримиз фарзандимизнинг ҳар томонлама қомил, соғлом, омадли ва истеъдодли бўлиб улғайишини истаймиз. Бу борада етакларимизни ҳаракатларимиз билан қўллаб-қувватласак, фарзандимизнинг ақли ва жисмоний ривожланишини фақат ўқитувчига ташлаб қўймай, ўзимиз ҳам меҳнат қилсак, албатта дилбандимиз биз етолмаган чўққиларни забт этади.

Умида БОНУ тайёрлади

Фотима опа азалдан гулларни яхши кўради. Улар ҳам инсонлар каби меҳрталаб. Шу сабаб, бир кам етмиш ёшга кирганида ҳам гулларнинг кетидан юрганига ҳеч ким ажабланмайди.

Xayrli havasning Varidori topiladi



Опа турмуш ўртоғи билан Ҳиндистон, Германия, Эрон, Чехия, Польша, Арабистон каби ўнга яқин давлатда бўлган. Ўша ерларда ҳам яхши одамларни кўрди, уларнинг иссиқ чехрасини ўзининг қадрдонларига ўхшатди. Мана шу аснода, гуллар билан одамларнинг ўхшашлигини пайқади. Тикон ҳамма жойда тикон, чечак ҳамма жойда чечак, деган фалсафани кўнглида туйди. Хориждаги турфа гуллар унинг гулчилиги билан жиддий шугулланишига туртки берди. Опа ўзи кўрган бу гўзалликдан ҳамюртлари, маҳалладошларини ҳам баҳраманд қилишни жуда истарди.

Бугун кўпчилик Шароф Рашидов тумани, "Тошкентлик" маҳалласида истикомат қилувчи Фотима Шодиевани "Гулчи опа" деб ардоқлайди. Ая тўрт фарзанди, 12 нафар набирасининг қуршовада Носир бобо билан бахти бекам умргузаронлик қилмоқда. Йигирма йилдирки, гул етиштиради, кўни-кўшни, қариндошу маҳалладошлари билан тажрибаларини ўртоқлашиб келади.

— Ишни 2006 йилда Голландия нави гул қаламчаларидан хонаки гулларни кўпайтиришдан бошладик. Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд шахрига бориб, гулчилар билан тажриба ал-

машдим. Айниқса, андижонлик Абдукарим Абдурахимовдан кўп нарсаларни ўргандим. Устозим "Гулларнинг бари жаннатдан тарқалган. Уларга меҳр берсанг, меҳр опасан", деганлари доимо қўлогим остида жаранглайди, — дейди опа.

Гуллар гўзаллигига яраша инжиқ ва нозик ҳисобланади. Уларнинг парвариши катта эътибор ва машаққатни талаб қилади. Бир йили қалин қор ёғиб, кўп гулларини совуқ уриб кетди. Опанинг юраги ачишди, жон-жаҳди билан омон қолганларини сақлаб қолишга киришди...

Ҳозирда уйда 40 турдаги ноёб хонаки ва манзарали гулларни ўстираётган гулчи аёл кўплаб муассасаларга буюртма асосида гуллар етказиб бераётди. Ҳиндистон атиргули ва настарини, Перу нулини, Жанубий Америка юкаси, Япониядан пахира, агава (Мексика, Куба), Вашингтон пальмаси, дроп, мушк-анбар (Арабистон), бигунелия, шифлера, Малайзия настаринига айниқса, харидор кўп. Изланувчан тadbirkor серхосил, мағзи тўқлиги билан ажралиб турадиган япон ёнғоғи ва киви тропик мевасини кўпайтиришга қарор қилган.

Бундан ташқари, катта-кичик иссиқхоналарда лимон, апельсин, мандариннинг юқори навли, экспортбўлурлари етиштирилапти. Томорқада машҳур "Ризамат ота" узум нави, шунингдек, ҳибоб ва истироҳат боғлари учун манзарали дарахт кўчатлари ҳам парва-

риш қилинади.

Фотима Шодиева оила аъзолари билан тумандаги 63 гектар лалми ерга эгалик қилади. Бу йил пиёз, помидор, булғор қалампирдан мўл ҳосил олишди. Хонадонда юз бош "Украина" зотли товуқ парваришланмоқда.

Бугун Фотима опа Ўзбекистон флористлар уюшмасининг фаол аъзоси саналади. Гулчиликни ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалари учун икки бор грант соҳибаси бўлди. Шунингдек, хонаки гуллар етиштириш, оилавий касаначиликни ривожлантиришдаги саъй ҳаракатлари учун республика флористлар, тadbirkorлар уюшмаларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шу билан бирга, "Ташаббус", "Йил аёли" каби танловларда ғолиб деб топилди.

Опанинг айтишича, у гулларидан қувват олади. Гуллар унинг энг катта бойлиги. Шу ҳавасининг ортидан муайян касбага, билим ва тажрибага эга бўлди. "Хар қандай хайрли ҳаваснинг харидори топилса", дейди опа.

Холниса РАҲМОНКУЛОВА.
Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат

Uning ifori aslida tuzoq

Ҳаёт қизиқ. Унинг ўзига хос занжирлари борки, тирик мавжудотларнинг барчаси унга бўйсунди. Бири учади, яна бошқаси юради, ўсимликлар эса бир жойда боғланган. Бироқ, улар гўзаллиги билан бошқа жонотларни ўзига жалб этади. Мисол учун, орхидеялар...

Асаларилар орхидея гулларининг ёқимли исига мафтун бўлиб, муаттар буй тарқатаётган гулни қидиради. Орхидея ифори аслида тўзқиндир. Бироқ, у боларига ҳам керак... Нега дейсизми?

Бу гуллар асалариларга муҳим ҳаётий жараёни амалга оширишда жуда керак. Чунки улар жуфтларини орхидея ифори кўмагида ўзига мафтун этади. Яъни ҳафта давомида орхидеянинг ёқимли хид таратувчи эфир мойини йиғиб, ундан ўзига хос атир яратди ва шу орқали жуфт қидиради. Шунинг учун гул ёнига боради.

Орхидея "чўмичи" тўзқиннинг бир қисми. Бунда гулдаги ширага маҳлюё бўлган болари "чўмич"га тушади. У эса ёпишқоқ суюклик билан тўла бўлади. Гул ифорга маст бўлган асалари ана шу суюкликка чўка бошлаганини сезмай қолади.

Омон қолишнинг биргина йўли бор. Шу тарафга ҳаракат қилган асалари омон қолади. Лекин, уни шу ерда исканжага олган гул, асалари елкасига ҳар бирида ўн минглаб чанглатувчи уруғ бўлган иккита халтачани ёпиштиради. Учиб кетган, асалари яна бошқа орхидеяни топади. Агар у бу орхидея "чўмичи"га тушса, орқасидаги халтачалар эриб, чангланмиш рўй беради. Натижада орхидеяларнинг янги авлоди пайдо бўлади.

Олимларнинг тахминларига кўра, биз ўтмишга, тахминан 200 миллион йил ортага чекинсак, бу жумбоқни еча оламиз. У вақтларда сут эмизувчилар сичқондан катта бўлмаган. Ўрмонларда динозаврлар яшаган бу пайтларда аксарият ўсимликлар чанги атрофга шомол ёрдамида тарқалар эди. Натижада бир неча ўсимлик чангигина бошқа бир дарахтларга етиб бора оларди. Қолган гул чанглари нобуд бўларди. Бундай шароитда янги авлодни юзага келтирувчи уруғлар пайдо бўларди, холос. Ҳозирги каби ранго-ранг гуллар эса йўқ эди.

Бундан бир юз ўттиз беш миллион йил аввал бир ижодкорлик сабаб ер юзидаги ҳаёт кескин ўзгарган. Ўтмишнинг бизга номаълум ўсимлиги, балки у магнолиянинг узоқ авлодидир, чангланмиш янги воситасини яратди. Бу ҳодиса ҳаёт тарихда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу гул эди. Ташки кўриниши ўзига ром этувчи манзарали восита. Ифор ва ширин киём аслида атрофдаги майда жонотлар учун тўзқиндир. Гул чангига бўлганган бу жонотлар ўзи билмаган ҳолда уларни бошқа гулларга етказиб боради.

Ҳаёт қизиқ. Кимдир ўзим учун ҳаракат қилаётган, деган фикрда тинимсиз меҳнат қилади ва бу билан ўзгалар манфаатига хизмат қилаётганини англаб ҳам етмайди. Яна бошқа биров эса жимгина, сокин турган ҳолда ана шу ютуқларни ўзиники қилиб ола билади. Қамига биз уларни мактаб, гул атрофида парвона бўлган асалари каби айтаёмиш, ўргитаёмиш.

Сайёра ШОЕВА,

G'aroyib xususiyatli gullar

Гулларнинг ҳам ўзига яраша сир-синоатлари бор. Фақат биз уни илғамаймиз. Бунинг ирим-сиримларга йўямиз. Шундай гуллар борки, уни парвариш қилган инсон вафот этса, у ҳам сулади. Шу маънода айрим гулларнинг ғайритабиий хусусиятлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

"Пул дарахти". Ушбу гул пул келтиради деб ишонади кўпчилик. Бунинг учун уни қизил тувакка ўтказиб, остига бир неча йирик тангаларни ташлаб қўйиб керак эмиш. Агар гулнинг танаси йўгон бўлиб майда шохлари кам бўлса, уйга йирик пул келар экан.

Кактуслар — инсонга қўрқувни енгитишда ёрдам берар экан. Иримчиларнинг айтишича, қизлар кактус парваришлагани маъқул йўқса оила қуриши кечикармиш.

Бинафша — оилага бахт-саодат келтирувчи гул деб эътироф этилади. Уни ўзгаларнинг назаридан асранг.

Хлорофитум — хотиржам ва бахтли ҳаёт гаровидир.

Бамбук — омад гули ҳисобланиб, у карьера қилишда қўл келармиш.

Қирққулоқ — ушбу гул хонадонингизни ёмон назарлардан асраб экан.

Фикус — оилада хотиржамликни сақлашга ёрдам беради. Агар уни ошхонага қўйсангиз, кашшоқликдан сақлайди.

Драцена — омад гули ҳисобланар экан.

Традесканция — гийбатчилардан ҳимоя қилар экан.

Васила тайёради

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси — 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
"Соғлом авлод учун" халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид ЛУҚМОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 136. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади — 4453. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Навбатчи: **Б. Исмоилов**
Мусахҳих: **С. Сайдалимов**
Саҳифаловчи: **А. Маликов**

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5